

**FARMATSEVTIKA TARMOG‘INI RIVOJLANTIRISH
AGENTLIGI**

**TOSHKENT VAKSINA VA ZARDOBLAR
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

FARMATSIYA, IMMUNITET VA VAKSINA

Jurnalga 2021-yilda asos solindi

Yilda 4 marta chiqadi

ФАРМАЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ВАКЦИНА

Основан в 2021 г.

Выходит 4 раза в год

PHARMACY, IMMUNITY AND VACCINE

Founded in 2021 year

Published 4 times a year

№1. 2025 _____

TOSHKENT-2025

Таъсисчи: ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

e-mail: vak.immun@mail.ru

Тахририят ҳайъати:

Бош муҳаррир – профессор Х.М. КАМИЛОВ.

ф.ф.н. А.А.АШУРОВ (бош муҳаррир муовини), т.ф.н. Н.Н.БАХРАМОВА, проф. Н.Г.ГУЛЯМОВ, б.ф.д. А.А.ИБРАГИМОВ, к.ф.н. Ў.Қ.ИНОГАМОВ, проф. Х.М.КОМИЛОВ, проф. Қ.Т.НОРМУРОДОВА, проф. Н.К.ОЛИМОВ, ф.ф.н., доц. Ф.А.ПУЛАТОВА, т.ф.н. Ғ.Х.РАЖАБОВ, б.ф.н., доц. М.Э.САТТАРОВ (масъул котиб), акад. Ш.Ш.САЪДУЛЛАЕВ, т.ф.н. П.О.САЪДИНОВ, проф. З.Э.СИДАМЕТОВА, акад. Т.С.СОАТОВ, т.ф.д. А.А.СУЯРОВ, ф.ф.н. Г.А.СУЛТОНОВА, проф. Ф.М.ТУРСУНХОДЖАЕВА, ф.ф.н. Ф.Х.ТУХТАЕВ, б.ф.н. Б.Р.УМАРОВ, ф.ф.д. М.Ш.ФОЗИЛЖОНОВА, т.ф.д. Х.М.ХАТАМОВ, проф. Н.Б.ЭГАМБЕРДИЕВ, проф. Э.Х.ЭШБОЕВ, проф. Х.Д.ҚАМБАРОВ.

Тахрир кенгаши:

А.А.АЗИЗОВ (ФТРА директори), проф. И.И.БАРАНОВА (Украина), проф. У.М.ДАТХАЕВ (Қозоғистон), проф. П.Е.ИГНАТОВ, акад. С.И.ИСКАНДАРОВ, т.ф.д. М.А.НАДЖМИДДИНОВА (АҚШ), проф. М.М.МАДАЗИМОВ, Н.С.ОТАБЕКОВ, проф. Ж.А.РИЗАЕВ, т.ф.д. К.С.РИЗАЕВ, проф. З.Б.САКИПОВА (Қозоғистон), акад. А.С.ТУРАЕВ, проф. Ш.Ж.ТЕШАЕВ, проф. М.П.ЮНУСОВ.

“ФАРМАЦИЯ, ИММУНИТЕТ ВА ВАКЦИНА” илмий-амалий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан рецензияланадиган илмий журналлар (нашрлар) руйхатига киритилган.

*Барча муаллифлик ҳуқуқлари химояланган.

*Барча маълумотлар тахририят ёзма руҳсатисиз чоп этилмайди.

*Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф(лар) жавобгардир

Фармацевтика фанлари

УЎТ: 615.224, 615.11

Эшмуратов Зайниддин Норбоевич

*Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти
"Биопрепаратлар" лабораторияси катта илмий ходими, Тошкент ш.*

Мадатова Назира Абдуғаффаровна

*Phd, Алфраганус университети Тиббиёт факультети
Фармацевтика ва кимё кафедраси доценти, Тошкент ш.*

Камилов Хусан Масудович

*Ф.ф.д., профессор, Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти
"Биопрепаратлар" лабораторияси мудури, Тошкент ш.*

Убайдуллаева Хилола Ахраровна

Phd, Тошкент фармацевтика институти доценти, Тошкент ш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН
ГЕПАТОПРОТЕКТОР ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
АССОРТИМЕНТИ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрлари: 2019 йил №23, 2020 йил №24, 2021 йил №25, 2022 йил №26, 2023 йил №27 ва 2024 йил №28 маълумотлари ва DRUG AUDIT маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган гепатопротектор дори воситалари ассортиментининг маркетинг таҳлили ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида гепатопротектор дори воситаларини рўйхатга олиш таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда маҳаллий, юқори самарали гепатопротектор дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда долзарб ва истиқболли ҳисобланади.

Калим сўзлар: ассортимент таҳлил, гепатопротектор дори воситалар, DRUG AUDIT, холеолитик воситалар, асосий дори воситалари рўйхати.

КИРИШ. Жаҳонда жигарнинг цирроз, гепатит ва ёғ дистрофияси каби касалликлари билан хасталаниш ўлимнинг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади. Алкогол, дори-дармонлар ва турли токсинларни истеъмол

қилиш натижасида жигарга токсик таъсир кўрсатиш самарали ва хавфсиз даволаш ва профилактика усуллари талаб қилади. Шу муносабат билан гепатопротектор препаратлар жигар функцияларини сақлаб қолиш ва унинг таркибий ва метаболлик бузилишларини тиклашда муҳим роль ўйнайди.

Silybum marianum L. ўсимлигидан олинган силимарин турли хил жигар хасталиklarини даволашда қўлланилган ва унинг ўсмага қарши жуда юқори фаоллиги ҳамда турли биологик фаолликлари ҳақида адабиётларда маълумотлар мавжуд. Силимарин куруқ экстракти асосида тайёрланган дори воситалари тиббиётда кенг қўлланилиши туфайли унинг асосий таркибий қисмларини тавсифлаш учун жуда сезгир ва самарали таҳлил усуллари ишлаб чиқишга катта эҳтиёж бор.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган гепатопротектор дори воситаларининг 2019-2024 йиллар учун ассортимент таҳлили ўтказилди. Ўзбекистон Республикасида гепатопротектор дори воситалари бозорини DRUG AUDIT маълумотлари асосида ўрганилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги буйруғига асосан “Асосий дори воситалари рўйхат”и тасдиқланган. Асосий дори воситалари рўйхатида қуйидаги халқаро патентланмаган номдаги гепатопротектор дори воситалари киритилган. 1-жадвалда Асосий дори воситалари рўйхатига киритилган гепатопротектор дори воситалари келтирилган.

1-жадвал

Асосий дори воситалар рўйхатига киритилган гепатопротектор дори воситалар (2023 йил)

№	XPN	Dori shakli
1.	L – ornitin L-aspartat	500 mg/ml 10 ml инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат
		5 g перорал эритма тайёрлаш учун кукун (саше)
2.	Ademetionin	400 mg ичакда эрувчан таблеткалар
		400 mg, 500 mg инъекцион эритма тайёрлаш учун лиофилланган кукун
3.	Ursodezoksixolat kislotasi	250 mg; 300 mg; 500mg капсулалар
		150 mg; 250 mg; 300 mg; 500 mg таблеткалар
		250 mg/5 ml 100 ml ичиш учун суспензия (флаконт)
4.	Oksimatin	0,1g капсулалар
		0,6 g/2 ml 2 ml инъекция ичиш учун (ампула)
5.	Glitsirizin kislotasi + fosfolipidlar	300 mg + 65 mg капсулалар

Таҳлилнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикасининг 2019-2024 йиллардаги тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри маълумотларининг таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра 2024 йилда, Ўзбекистон ҳудудида жами 110 турдаги гепатопротектор дори воситалари рўйхатга олинган бўлиб, ушбу дори воситалар ассортиментида 60 (54,5%) хорижий ишлаб чиқарувчилар, 12 (10,9%) Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ишлаб чиқарувчилари ва 38 (34,6%) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташкил этади.

2019 йилда умумий 67 номли гепатопротектор дори воситалари рўйхатдан ўтган, ушбу дори воситаларнинг 43 (64,1%) номдагиси хорижий ишлаб чиқарувчилар, 14 (20,9%) МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари ва 10 (15%) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва рўйхатдан ўтказилган. Ушбу кўрсаткичларга асосланиб, 2019 йилга нисбатан 2023 йилда рўйхатдан ўтган гепатопротектор дори воситалар сони ортганини кўришимиз мумкин. Маҳаллий ва хорижий давлатлар ишлаб чиқарувчилари орасида кўрсаткичларнинг сезиларли ўсиши кузатилди. Таҳлилимизнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг 6 йиллик маълумотлари солиштирма таҳлили олиб борилди. 2-жадвалда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган гепатопротектор дори воситаларини 6 йиллик солиштирма таҳлили натижалари келтирилган.

2-жадвал

2019-2024 йилларда гепатопротектор дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестридан рўйхатдан ўтказилиш таҳлили

Йиллар	Ўзбекистон		МДХ		Хорижий давлатлар		Умумий Сони
	Сони	%	Сони	%	Сони	%	
2019	10	15	14	20,9	43	64,1	67
2020	20	19,6	17	16,7	65	63,7	102
2021	40	31,3	18	14	70	54,7	128
2022	41	30,6	21	15,6	72	53,7	134
2023	42	32,3	16	12,3	72	55,4	130
2024	38	34,6	12	10,9	60	54,5	110

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 2019-2024 йилларда хорижий давлатлардан келтириляётган ва рўйхатдан ўтказилган гепатопротектор дори воситаларнинг улуши 64,1% дан 54,5% гача камайган, аксинча, маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқариляётган гепатопротектор дори воситаларнинг улуши эса 15% дан 34,6% гача ортганини кўрсатди. Бу сўнгги йилларда маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан гепатопротектор дори воситаларининг ишлаб чиқарилиш ва рўйхатдан ўтказилиш сони ортиб бораётганидан далолат беради. Таҳлилнинг кейинги босқичида гепатопротектор дори воситаларни ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлили амалга оширилди ва натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

Гепатопротектор дори воситаларни ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича рўйхатдан ўтказиш таҳлили

Ишлаб чиқарувчи давлат номи	Рўйхатдан ўтган гепатопротектор дори воситалар					
	Сони	Сони	Сони	Сони	Сони	Сони
	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Туркия	-	-	3	4	4	5
Ҳиндистон	13	29	34	37	36	32
Испания	2	3	2	2	2	2
Италия	3	4	4	4	4	2
Германия	6	8	6	6	5	2
Хитой	4	5	5	7	6	6
Корея	2	2	3	3	3	1
Покистон	2	2	3	4	3	3
Япония	1	2	1	1	3	2
Руминия	2	2	2	2	2	2
Вьетнам	1	1	1	1	1	-
Таиланд	2	2	1	1	1	-
Франция	1	1	1	-	-	2
Австрия	1	1	1	1	-	-
Миср	1	1	1	-	-	-
Россия	5	6	7	7	8	7
Грузия	2	2	2	2	2	2
Украина	5	6	6	6	5	2
Қозоғистон	-	-	1	1	1	-
Молдова	1	1	1	1	-	-
Волгария	3	3	2	2	2	2
Беларуссия	1	1	1	1	-	-
Ўзбекистон	10	20	40	41	42	38
Умумий микдори	67	102	128	134	130	110

Таҳлилнинг кейинги босқичида гепатопротектор дори воситаларни ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлили амалга оширилди ва натижалар 3-жадвалда келтирилди.

Унга асосан гепатопротектор дори воситалари турли давлатларнинг фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган. Улар орасида сўнгги йилларда Ҳиндистон, Хитой, Россия ва Туркия каби давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган гепатопротектор дори воситалари энг кўп рўйхатдан ўтказилган.

Таҳлилнинг кейинги босқичида гепатопротектор дори воситаларининг дори шакли бўйича таҳлили олиб борилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, гепатопротектор дори воситаларнинг катта қисмини инфузия учун кукун, инъекция учун эритма, таблетка ва капсула дори шаклида рўйхатдан ўтган. Таҳлил давомида олинган натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал


2019-2023 йилларда рўйхатдан ўтган гепатопротектор дори воситаларнинг дори шакллари бўйича таҳлил натижалари

Дори шакли	Рўйхатдан ўтган дори воситалар сони					
	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Инъекция учун эритма	15	23	32	41	42	40
Инфузия учун кукун	12	20	28	31	31	23
Гранула	6	8	9	5	5	3
Суспензия	1	1	1	1	1	2
Сироп	2	2	2	3	2	2
Крем	1	1	1	1	-	-
Доривор ўсимлик хом ашёси	1	1	1	-	-	-
Таблеткалар	8	10	15	12	12	10
Томчилар	2	2	2	3	3	2
Капсулалар	18	33	36	37	34	28
Қуруқ экстракт	1	1	1	-	-	-
Умумий сони	67	102	128	134	130	110

2019 йилда маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва рўйхатдан ўтказилган гепатопротектор дори воситаларнинг

орасида доривор ўсимлик хом ашёси ва куруқ экстракт каби дори шакллари мавжуд, аммо 2024 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган гепатопротектор дори воситаларнинг салмоқли қисмини инъекция учун эритма ва инфузия учун кукун каби дори шакллари ташкил этган.


Таҳлилнинг кейинги қисмида 2019-2023 йиллардаги гепатопротектор дори воситаларнинг Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги улуши DRUG AUDIT маълумотлари асосида таҳлил олиб борилди. Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги гепатопротектор дори воситаларнинг аксариятини хорижий давлатлардан келтирилган гепатопротектор дори воситалари ташкил қилиши кузатилди ва йилдан йилга гепатопротектор дори воситаларнинг Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги улуши ўсиб бораётганини кўрсатди.



1-расм. 2019-2023 йилларда Ўзбекистон фармацевтик бозоридаги гепатопротектор дори воситалар улуши

1-расмдан кўриниб турибдики, 2020 йилларда гепатопротектор дори воситаларнинг Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги улуши бир оз пасайган, лекин 2021-2023 йилларда гепатопротектор дори воситаларининг бозордаги улуши мос равишда ортиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Таҳлилнинг кейинги қисмида 2019-2023 йилларда Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги гепатопротектор дори воситаларнинг ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлили амалга оширилди.



2-расм. 2019-2023 йилларда Ўзбекистон бозорига хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган ва маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган гепатопротектор дори воситаларнинг улуши (сони бўйича)

Расмдан кўриниб турибдики, хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон бозорига олиб кириладиган гепатопротектор дори воситалар улуши 2021 йилда энг кўп улушда бўлган, 2022 йилда эса Ўзбекистон фармацевтика бозорига маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан энг кўп миқдорда гепатопротектор дори воситалари ишлаб чиқарилган.

ХУЛОСА. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, гепатопротектор дори воситаларининг дори шакли бўйича хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган гепатопротектор дори воситалар етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган гепатопротектор дори воситаларнинг маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган улуши ортиб бўлишига қарамай, маҳаллий фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган гепатопротектор дори воситаларининг дори шакллари ассортименти кенг эмас.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган гепатопротектор хусусиятларга эга дори воситаларнинг деярли 70% га яқини хорижий давлатлардан келтирилмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги маҳаллий фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган гепатопротектор дори воситаларининг улуши эса фақатгина 20% ни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида гепатопротектор

дори воситаларини ассортимент таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда маҳаллий ва юқори самарали гепатопротектор дори воситаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда долзарб ва истиқболли ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Мадатова Н. А., Тоштемирова Ч.Т. Маркетинговый анализ противодиарейных лекарственных средств // Universum: медицина и фармакология. – 2024. – №.4 (109). – С. 46-53.

2. Мухутдиновна Р. Н., Абдугаффаровна М. Н. Ўзбекистон республикасида қайд этилган биологик фаол қўшимчалар ассортимент таҳлили // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2024. – Т. 4. – №.1-2. – Р. 191-197.

3. Sarvarova D. M. et al. Study Of The Assortment Of Antioxidant And Hemostatic Medicines Registered In The Republic Of Uzbekistan //Journal of Pharmaceutical Negative Results. – 2023. – Р. 1028-1033.

4. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишга рўхсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри. - №23-28-сонлари (2019-2024 йиллар учун).

АНАЛИЗ АССОРТИМЕНТА ГЕПАТОПРОТЕКТОРНЫХ ПРЕПАРАТОВ, ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

***Аннотация.** Зарегистрировано в Республике Узбекистан на основании данных Государственных реестров лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике в Республике Узбекистан: 2019 №23, 2020 №24, 2021 №25, 2022 №26, 2023 №27 и 2024 №28 и данных ЛЕКАРСТВЕННОГО АУДИТА. проведен маркетинговый анализ гепатопротекторных препаратов.*

Анализ регистрации гепатопротекторных препаратов на фармацевтическом рынке Республики Узбекистан показывает, что создание и производство отечественных высокоэффективных гепатопротекторных препаратов весьма актуально и перспективно.

***Ключевые слова:** анализ ассортимента, гепатопротекторные препараты, лекарственный аудит, желчегонные препараты, перечень основных препаратов.*

ANALYSIS OF THE RANGE OF HEPATOPROTECTIVE DRUGS REGISTERED IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Summary. Registered in the Republic of Uzbekistan on the basis of data from the State Registers of medicines, medical devices and medical equipment approved for use in medical practice in the Republic of Uzbekistan: 2019 No. 23, 2020 No. 24, 2021 No. 25, 2022 No. 26, 2023 No. 27 and 2024 No. 28 and DRUG AUDIT data. A marketing analysis of hepatoprotective drugs was carried out.

An analysis of the registration of hepatoprotective drugs on the pharmaceutical market of the Republic of Uzbekistan shows that the creation and production of domestic highly effective hepatoprotective drugs is very relevant and promising.

Key words: assortment analysis, hepatoprotective drugs, drug audit, choleric drugs, list of essential drugs.

Фармацевтические науки

УДК: 615.038

Хужимов Ахмад Холикович

Ассистент кафедры Фармакогнозии и стандартизации лекарственных средств Ташкентского фармацевтического института, г. Ташкент

Олимов Немат Каюмович

Д.ф.н., зав.кафедры Фармакогнозии и стандартизации лекарственных средств Ташкентского фармацевтического института, г. Ташкент

Сидаметова Зайнаб Энверовна

Д.ф.н., доцент кафедры Фармакогнозии и стандартизации лекарственных средств Ташкентского фармацевтического института, г. Ташкент

Тагайлиева Нигора Абдунабиевна

К.б.н., зав.лаб. Фармакологии и скринга БАВ, Института биоорганической химии Академии наук Республики Узбекистан, г. Ташкент

Выпова Наталья Леонидовна

К.б.н., в.н.с. лаборатории Фармакологии и скринга БАВ, Института биоорганической химии Академии наук Республики Узбекистан, г. Ташкент

**ИЗУЧЕНИЕ КРОВООСТАНАВЛИВАЮЩЕГО ЭФФЕКТА
БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНОЙ ДОБАВКИ ГЕМО-ПОВИДОНА ПРИ
ХРАНЕНИИ В УСЛОВИЯХ УСКОРЕННОГО СТАРЕНИЯ**

В работе приводятся результаты изучения кровоостанавливающего действия биологически активной добавки Гемо-Повидона, разработанной на основе гллагина. Опыты проводились с образцами биологически активной добавки (БАД) Гемо-Повидона, хранившегося при температуре 30°С в течении 3-х лет на крысах. При этом полученные данные позволили сделать вывод о том, что разработанная БАД Гемо-Повидон стабильна и не меняет свои терапевтические свойства при хранении в условиях ускоренного старения.

Ключевые слова: *Гемо-Повидон, гллагин, кровоостанавливающее действие, биологически активная добавка, паренхиматозное кровотечение.*

ВВЕДЕНИЕ. В последнее время в медицинской практике наблюдается постоянный рост потребности в кровоостанавливающих и

противовоспалительных, ранозаживляющих средствах, что требует разработки новых эффективных добавок на основе лекарственных растений. Разработанная нами спиртовая композиция биологически активной добавки (БАД) Гемо-Повидон обладает эффективным противовоспалительным, обезболивающим и ранозаживляющим действием за счет глилагина, входящего в его состав.

Глилагин относится к V классу малотоксичных веществ, не обладает кумулятивными, местными секвестрантными, мутагенными, эмбриотоксичными, тератогенными и аллергизирующими свойствами. Он не влияет на периферическую систему крови, печень и почки, патоморфологию и ткани органов при внутреннем применении при хронических заболеваниях.

Препараты «Дизинон», «Викасол» и «Аминокапроновая кислота», обладающие аналогичным действием и применяемые в практической медицине, являются синтетическими соединениями, в отличие от них глилагин не имеет побочных эффектов, так как изготовлен на основе 100% натуральных, растительного сырья [1-4].

Целью нашего исследования является изучение стабильности спиртовой композиции биологически активной добавки Гемо-Повидон при хранении в условиях «ускоренного старения».

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ. Образцы БАД:

1. Раствор БАДа Гемо-Повидон №0 темно-коричневого цвета, исходящий образец (06.04. 2024 г).
2. Раствор БАДа Гемо-Повидон №1 темно-коричневого цвета, 6 месяцев хранения (01.05. 2024 г).
3. Раствор БАДа Гемо-Повидон №2 темно-коричневого цвета 1 год хранения (24.05.2024 г).
4. Раствор БАДа Гемо-Повидон №3 темно-коричневого цвета 1,5 года хранения (17.06.2024 г).
5. Раствор БАДа Гемо-Повидон №4 темно-коричневого цвета от 2,0 года хранения (10.07.2024 г)
6. Раствор БАДа Гемо-Повидон №5 темно-коричневого цвета от 2,5 года хранения (03.08.2024 г)
7. Раствор БАДа Гемо-Повидон №6 темно-коричневого цвета от 3,0 года хранения (26.08.2024 г).

Время паренхиматозного кровотечения и величина кровопотери из печени определяли у 40 крыс самцов, массой тела 160 ± 15 г, по 5 животных

в каждом группе. Крыс наркотизировали этаминалом натрия внутривентральным введением в дозе 50 мг/кг. Широким разрезом вскрывали брюшную полость, с использованием продольного разреза по белой линии живота. Из раны выводили кишечник и ограничивали салфетками, смоченными физиологическим раствором. Выводится также передняя поверхность печени. С помощью специального приспособления – ограничителя (пластмассовый пластик с круглым отверстием в центре) производили резекцию выступавшей части печени лезвием. Срезанный сегмент в вертикальной проекции имеет вид круга или эллипса, его размеры постоянны. Образующая равномерно кровоточащая рана с ровными краями и равномерной кривизной имеет общую площадь около 0,5 см² и глубину около 0,3 см. Для сравнительной оценки эффективность исследуемого средства и контроля на доле печени одновременно производятся два вышеописанных среза. В качестве контроля служит тампон из марлевых салфеток. Остановку развившегося капиллярно-паренхиматозного кровотечения производили одновременно путем наложения на одну рану марли обыкновенной (контроль), на другую исследуемые образцы (марлевая салфетка, пропитанная 0,2 мл раствора). При этом гемостатические средства должны полностью покрывать всю раневую поверхность. Время остановки определяли по секундомеру. Критерием оценки момента остановки кровотечения является полное отсутствие проникновения крови через поверхность и края применяемого гемостатика.

Исследуемые спиртовые растворы образцов Гемо-Повидон хранились в термостате при температуре 30°C в течение 3-х лет.

Вычисляли среднее время продолжительности кровотечения для каждой группы животных, достоверность различий между опытом и контролем и гемостатическую активность в процентах [5, 6].

Статистическую обработку цифровых данных проводили с использованием пакета программ Microsoft office с определением средних значений M и ошибки средней m . Статистически значимыми считали различия при уровне значимости $p < 0,05$.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ИХ ОБСУЖДЕНИЕ. Результаты исследования представлены в таблице 1. Из данных, приведенных в таблице, видно, что время капиллярно-паренхиматозного кровотечения из печени у крыс контрольной группы составило $4,6 \pm 0,3$ мин., а величина кровопотери $0,433 \pm 0,030$ г.

Раствор образца БАД Гемо-Повидон №0, останавливал капиллярно-паренхиматозное кровотечение из печени на 82% ($p < 0.01$) быстрее, чем в контроле, а величину кровопотери уменьшал - на 46,2% ($p = 0.000055$) по отношению к контрольной группе животных. Через 6 месяцев, 1 год, 1,5; 2,0; 2,5 и 3,0 года ускоренного старения растворы образцов БАД Гемо-Повидон сокращали время капиллярно-паренхиматозного кровотечения из печени соответственно на 81,0, 80, 86,4, 85,4 81,4 и 86,4 % ($p = 0.000012$), чем в контроле, а величину кровопотери соответственно уменьшали – на 53,8; 46,2; 40,0; 45,0; 35,3 и 42,3 % ($p = 0.000329$) [7, 8].

Таблица 1

Изменение времени капиллярно-паренхиматозного кровотечения печени у интактных крыс под действием композиций раствора Гемо-Повидон ($M \pm m$; $n=5$)

Образцы БАДа	Время кровотечения		Величина кровопотери	
	мин	%	г	%
Контроль, марля	4,60±0,30	100	0,433±0,030	100
Гемо-Повидон №0 Исходный	0,82±0,10*	17,8	0,200±0,020*	46,2
Гемо-Повидон №1 через 6 месяцев	0,92±0,10*	20,0	0,233±0,021*	53,8
Гемо-Повидон №2 Через 1 год	1,0±0,10*	20,0	0,230±0,022*	53,0
Гемо-Повидон №3 Через 1,5 года	0,68±0,05*	13,6	0,257±0,023*	59,4
Гемо-Повидон №4 Через 2 года	0,73±0,06*	14,6	0,238±0,022*	55,0
Гемо-Повидон №5 Через 2,5 года	0,93±0,08*	18,6	0,289±0,024*	66,7
Гемо-Повидон №6 Через 3 года	0,67±0,05*	13,6	0,250±0,023*	57,7

Примечание: * - $p < 0,01$ по отношению к контролю, # - $p < 0,01$ по отношению к исходному раствору Гемо-Повидона.

ВЫВОДЫ. Изучение кровоостанавливающего действия БАД Гемо-Повидон, хранившихся в условиях ускоренного старения в течении 3-х лет, на модели капиллярно-паренхиматозного кровотечения из печени у интактных крыс показало, что все исследованные образцы растворов Гемо-Повидон по биологической активности (местному кровоостанавливающему действию) достоверно не отличались от

исходного образца по времени кровотечения и по величине кровопотери из печени крыс.

ЛИТЕРАТУРА.

1. Методические рекомендации по доклиническому изучению нестероидных противовоспалительных лекарственных средств // “Доклинические исследования эффективности лекарственных средств” I часть, 2012, Миронов А.Н., Бунятян Н.Д. и др., 2012 г. – С. 746-758.

2. «Фармакологические средства гемостаза в хирургии печени» Методические рекомендации // Брехов Е.И., Северцев А.Н., Репин И.Г. Москва, 2005. – С. 33.

3. Далимов Д.Н., Салихов Ш.И., Зайнутдинов У.Н., Матчанов О.Д., Выпова Н.Л., Казанцева Д.С. Гемостатик воситасини олиш усули // Ўзбекистон Республикаси Патент Муассасининг ижобий қарори. 15.05.2002.

4. Матчанов А.Д. Синтез лабдановых дитерпеноидов, глицирризиновая кислота и разработка гемостатических препаратов. Дис. на соис. уч. степени докт. хим. Наук. Ташкент. 2017. – С. 190.

5. Далимов Д.Н, Зайнутдинов У.Н, Мусаев У.Н, Матчанов А.Д., Мухамадиев М.Г, Юлдашев Х.А// Некоторые физико-химические свойства производных глицирризиновой кислоты. Узбекский химический журнал. №5. 2001. – С. 33-36.

6. Матчанов А.Д., Далимов Д.Н., Зайнутдинов У.Н., Выпова Н.Л., Исламов А.Х., Бекпулатова Б.М. Получение, изучение физико-химических и биологических свойств молекулярных ассоциатов лагохилина и лагохирзина с глицирризиновой кислотой и ее моноаммониевой солью. Химия природ. соедин. №4. 2017. – С.566-570.

7. Тураева Д.Т. Выпова Н.Л., Далимов Д.Н, Далимова С.Н., Матчанов А. Влияние препарата Лаговин на процесс свертывания крови в опытах in vitro. Доклады Академии Наук. №1, 2008. – С 43-46.

8. Зайнутдинов У.Н., Исмаилов Р., Далимов Д.Н., Абдурахманов Т., Матчанов О.Д., Выпова Н.Л. Гемостатическая активность дитерпеноидов группы лагохилина и её связь со структурой // Хим. природн. соед. №2. 2002. – С.135-136.

STUDYING THE HEMOSTATIC EFFECT OF THE BIOLOGICALLY ACTIVE HEMO-POVIDONE SUPPLEMENT DURING STORAGE UNDER ACCELERATED AGING CONDITIONS

Summary. The paper presents the results of a study of the hemostatic effect of the dietary supplement Hemo-Povidone, developed on the basis of glilagin. Experiments were carried out with samples of the dietary supplement (BAA) Hemo-Povidone, stored at a temperature of 30°C for 3 years on rats. At the same time, the data obtained allowed us to conclude that the developed dietary supplement Hemo-Povidone is stable and does not change its therapeutic properties when stored under conditions of accelerated aging.

Key words: dietary supplement, Hemo-Povidone, glilagin, hemostatic effect, accelerated storage, bleeding time indicator.

ТЕЗЛАШТИРИЛГАН ЭСКИРИШ ШАРОИТИДА САҚЛАНГАН ГЕМО-ПОВИДОН БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМИНИНГ ҚОН ТЎХТАТУВЧИ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация. Мақолада глилагин асосида ишлаб чиқилган Гемо-Повидон биологик фаол қўшимчасининг қон тўхтатувчи таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Тажрибалар каламушларда 3 йил давомида 30°C ҳароратда сақланган Гемо-Повидон биологик фаол қўшимчаси намуналари билан ўтказилди. Бунда олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган Гемо-Повидон қўшимчалари барқарор ва тезлаштирилган эскириш шароитида сақлашда терапевтик хусусиятларини ўзгартирмайди.

Калит сўзлар: Гемо-Повидон, глилагин, қон тўхтатувчи таъсир, биологик фаол қўшимча, паренхиматоз қон кетиши.

Фармацевтика фанлари

УЎТ: 615.4:615.07

Адилова Нуфузахон Абдухамид кизи

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти таянч докторанти, Тошкент ш.

Фозилжонова Малика Шухратджановна

Фарм.ф.д., Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти, фармацевик технология кафедраси доценти, Тошкент ш.

**ҚАБЗИЯТГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
БОЗОРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ**

Аннотация. Ушбу мақолада қабзиятга қарши дори препаратларининг Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги ҳолатининг комплекс таҳлили натижалари келтирилган. 2024 йилда қайд қилинган қабзиятга қарши дори воситаларини миқдори ўрганилган.

Бу дори препаратларини ишлаб чиқарган фармацевтик фирмалар улуши қиёсий ўрганилган ва Республика ҳудудига олиб келинган миқдори аниқланган. Таҳлил натижаларига кўра, 2024 йилда Республикада жами 48 та қабзиятга қарши қўлланиладиган препаратлар рўйхати қайд этилган.

Калит сўзлар: маркетинг, фармацевтик бозор, ишлаб чиқариш, дори препаратлари, қабзият, таққослаш усули, контент таҳлил, маркетинг тадқиқотлари, қайд этиш, ассортимент кенглиги.

КИРИШ. Дори воситаларининг мақсадли бозори сегментининг макро- ва микро муҳитини янада аниқроқ ўрганиш, янги дори воситасининг ижтимоий ва тиббий зарурлигини, унинг рақобатбардошлигини, инновационлигини, иқтисодий самарадорлиги ва тижоратдаги жозибадорлигини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги ўн йилда, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар қарийб 5 баробарга ошганини кўриш мумкин [1, 2]. Бунга нафақат иқтисодиётдаги инқирозлар, балки хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган дори воситалари таннархининг сезиларли даражада ошиши сабаб бўлгандир.

Сўнгги йилларда маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишланмалар сонининг кўпайиши ва ишлаб чиқаришга

оригинал дори воситалари, биофаол моддалар асосида янги комбинацияланган дори воситалари, жумладан, ўсимлик хомашёларидан олинадиган дори воситаларини жорий этишни ривожланишни тақозо этади.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш мураккаб, кўп омилли ва кўп босқичли жараёнدير. Ушбу жараённинг якуний мақсади сифатли маҳсулот олишдир. Сифат – биофаол модданинг ёки доривор маҳсулотнинг белгиланган мақсадга мувофиқлигидир [3, 4].

УСУЛЛАР. Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт амалиётида қўлланишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрининг навбатдаги нашри Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Дори воситалари хавфсизлик маркази» давлат муассасаси томонидан 2024 йил давлат рўйхатидан ўтказилган маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ҳамда субстанцияларнинг тўлиқ рўйхатларини ўз ичига олган реестридан фойдаланиб, контент таҳлил усулини қўлладик.

НАТИЖАЛАР. 2024 йил давлат рўйхатидан ўтказилган маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ҳамда субстанцияларнинг тўлиқ рўйхатларини ўз ичига олган давлат реестрининг №28 нашрига маҳаллий ва хорижий давлатларнинг фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган 8978 номдаги дори воситалари, жумладан 4817 (53%) номдаги хорижий дори воситалари, МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчиларининг 1417 (16%) номдаги дори воситалари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 2751 (31%) номдаги дори воситалари рўйхати киритилган (1-расм).

Ушбу реестр асосида қабзиятга қарши дори воситаларининг ҳозирги кундаги ишлаб чиқарилиш ҳолати, дори шакллари ва турлари, давлатлараро кесимидаги таҳлили ўрганиб чиқилди.

Фармакологик таъсир турларини ва дори воситаларининг буюрилишини ҳисобга олиб, АТК кодлар (Анатомик- терапевтик- кимёвий) классификация тизими ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти) томонидан турли мамлакатларда дори моддаларини истеъмол қилишнинг статистик таҳлилларини ўтказиш методологиясининг халқаро стандарти сифатида қабул қилинган) – таснифи бўйича қабзиятга қарши дори воситаларининг асосий рақобатчилари бўлиб, H02AB02 – гуруҳидаги глюкокортикоид дори воситалари, R06AE07 – қабзиятга қарши таъсир


қилувчи синтетик дори воситалари ва S01GX01 – қабзият билан боғлиқ касалликларни даволаш учун мўлжалланган дори воситалари таснифи аниқланди.



1-расм. 2024 йилда дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрларида қайд этилган жами рўйхатдан ўтган дори воситалар улуши

Ушбу реестр асосида қабзиятга қарши дори воситаларининг ҳозирги кундаги ишлаб чиқарилиш ҳолати, дори шакллари ва турлари, давлатлараро кесимидаги таҳлили ўрганиб чиқилди.


Қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситаларининг сегментида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш: давлатлар бўйича Ўзбекистон бозорини ўрганиш, ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлил қилиш, ассортимент ва уни кўрсаткичларини ўрганиш, таъсир этувчи моддалар бўйича таҳлил, дори шакли бўйича изланиш олиб бориш мақсад қилинди.



2-расм. Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситаларининг давлатлар бўйича улушлари


2024 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрларида рўйхатдан ўтган дори воситалари таҳлил қилинганди қабзиятга қарши дори воситаларини сони эса хорижда ишлаб чиқарилган дори воситалари 15 та (0,3%), МДХ мамлакатларида 7 та (0,5%), ҳамда маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан 26 (0,9%) та дори воситалари рўйхатдан ўтган (2-расм). Жами қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситалари сони 48 та (0.5%) ни ташкил этди.

2024 йил давомида Ўзбекистон Республикасида қайд этилган Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрида қайд этилган қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситалари ассортимент кенглигининг ўзгариш динамикаси ўрганилди. Умумий ўсиш ассортимент кенгайиши йилдан йилга мунтазам ўсиб бориши кузатилмоқда. Улардан қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситаларининг умумий сони 48 та бўлиб, дори шакллари бўйича эса, таблетка дори шакли 33% ни, ичишга мўлжалланган томчилар 16% ни, сироплар 16% ни, кукун ҳолидаги дори шакллари 10% ни, суппозиториялар эса 10% ни кўрсатди (3-расм).



3-расм. Қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситаларининг дори шакллари бўйича таҳлил натижалари (мутлоқ сонларда)

Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги фармацевтик корхоналар бўйича қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситаларини биофаол моддалар ва савдо номи бўйича таҳлил қилинганда, ЛАКТУЛОЗА (Laktuloza) – Lafz МЧЖ ва Jurabek Laboratories ҚК МЧЖ корхоналарида, СЕНАДЕКСИН (Senadexinum) эса Pharmacom Medicine МЧЖ, Radiks МЧЖ, Remedy ҚК МЧЖ, Samo МЧЖ, Novo Farm Komplekt МЧЖ корхоналарида ишлаб чиқарилиши маълум бўлди (4-расм).



4-расм. Маҳаллий фармацевтик корхоналардаги қабзиятга қарши ишлатиладиган дори воситалари сони

Ушбу қайд этилган ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қаттиқ дори шаклларида таблетка, кукун, гранулалар ишлаб чиқарилиши маълум бўлди.

Тадқиқотимизда қабзиятга қарши ишлатиладиган дори препаратларнинг биофаол моддаси ва савдо номи бўйича хорижий, МДХ мамлакатларидан импорт қилинаётган ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган қабзиятга қарши дори шаклларининг ассортименти таҳлил қилинди ва қуйидаги жадвалда келтирилди (1-жадвал).

**Қабзиятга қарши ишлатиладиган дори препаратларнинг
ассортименти**

Препарат номи	Ишлаб чиқарувчи
ЛАКТУЛОЗА (Laktuloza)	Lafz, ООО Jurabek Laboratories, СП ООО
СЕНАДЕКСИН (Senadexinum)	Pharmacom Medicine, ООО Radiks, ООО Remedy, СП ООО Узбекско-Британское Samo, ООО Novo Farm Komplekt, ООО
Bisacodyl	Беларусь Россия
ПИКОЛАКС® (Pikolaks)	Украина Россия
Lactulose	Rusan Pharma Ltd Til Healthcare Pvt. Ltd Shreya Life Sciences Pvt. Ltd
Comb.drug (Citric acid, Magnesium, Sodium picosulfate*)	Abbott Laboratories GmbH, Швейцария произведено: Abbott Biologicals B.V.
Comb.drug (Polyethylene glycol, Sodium chloride, sodium bicarbonate, Potassium chloride)	Wroclaw Herb Factory "Herbapol" S.A. Польша
Rhei radix pulveratum	Польша

Шундай қилиб, қабзиятга қарши қўлланиладиган препаратлар гуруҳларидаги дори шакллари ассортименти, фармакологик таъсири ва ишлаб чиқарувчилари аниқланди. Изланишлар натижасида қабзиятга таъсир қилувчи тўғридан-тўғри табиий ўсимлик хомашёларини ўз ичига олган доривор препаратлар сони чекланган миқдорда ишлаб чиқарилиши маълум бўлди. Ўтказилган дастлабки тадқиқотлар, маҳаллий ўсимлик хомашёси сано барги ва бошқа табиий хомашёлар сақлаган янги дори турини яратишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА. Ўзбекистон фармацевтика бозорининг қабзиятга қарши қўлланиладиган дори воситалар сегменти ўрганилди ва қуйидаги натижалар олинди:

1. Таҳлил натижаларига кўра, 2024 йилда Республикамизда жами 48 та қабзиятга қарши қўлланиладиган препаратлар рўйхати қайд этилди.

2. Ўзбекистон фармацевтика бозорида қабзиятга қарши қўлланиладиган дори препаратларининг ассортименти ҳамда савдо номлари рўйхати шакллантирилди, бу эса маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналари учун қабзиятга қарши препаратларни янги турини ва технологияларини табиий биофаол моддалар сақлаган ва ноҳўя таъсири кам бўлган ўсимлик хомашёлари асосида янги БФҚ ларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №28, 2024 г.

2. Приходько, О. Импортозамещение на пути к экономическому росту [Электронный ресурс] / О. Приходько // Ежедневник Аптека. – 2011. – № 786 (15), – С. 19-20.

3. ГФ РУз. ПЕРВОЕ ИЗДАНИЕ. ТОМ 1. Ташкент. – С.251.

4. Белоусова Ю. Б., Кукеса В. Г., Лепяхина В. С. Клиническая фармакология: национальное руководство / под ред. - Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2012. – 976 с.

СОСТОЯНИЕ РЫНКА ПРОИЗВОДСТВА ПРОТИВОСЛАБИТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ

Аннотация. В статье представлены результаты комплексного анализа состояния противозапорных препаратов на фармацевтическом рынке Республики Узбекистан. Изучалось количество препаратов от запоров, зарегистрированных в 2024 году.

Проведено сравнительное исследование доли фармацевтических предприятий, выпускающих данные препараты, и определен объем их импорта на территорию республики.

По результатам анализа в 2024 году в нашей республике зарегистрировано 48 наименований противозапорных препаратов.

Ключевые слова: маркетинг, фармацевтический рынок, производство, лекарственные препараты, состав, метод сравнения,

контент-анализ, маркетинговые исследования, учет, широта ассортимента.

STATE OF THE ANTILAXATIVES PRODUCTION MARKET

***Summary.** The article presents the results of a comprehensive analysis of the state of anticonstipation drugs in the pharmaceutical market of the Republic of Uzbekistan. The number of anticonstipation drugs registered in 2024 was studied.*

A comparative study of the share of pharmaceutical companies producing these drugs was conducted, and the volume of their import to the territory of the republic was determined.

According to the results of the analysis, in 2024, 48 types of anticonstipation drugs were registered in our republic.

***Keywords:** marketing, pharmaceutical market, production, medicinal products, composition, comparison method, content analysis, marketing research, accounting, breadth of assortment."*

Фармацевтика фанлари

УЎТ: 614.27, 615.11

Ахматохунова Мухайё Кобилджановна

*Мустақил изланувчи, Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти,
Тошкент ш.*

Эшмуратов Зайниддин Норбоевич

*Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти “Биопрепаратлар”
лабораторияси катта илмий ходим, Тошкент ш.*

**ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР
ХОМАШЁСИ АСОСИДАГИ ЙИҒМАЛАР, ПРЕПАРАТЛАР,
БИОФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада тиббиётда қўлланиладиган яллиғланишга қарши, моддалар алмашинувини меъёрлаштирувчи доривор ўсимликлар ва улар асосида олинган йиғмалар, биофаол қўшимчалар ва уларнинг технологиялари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар давомида маҳаллий доривор ўсимликларнинг ўнлаб вакиллари ва уларнинг алоҳида, ҳамда йиғмаларининг хусусиятлари, қўллашга оид кўрсатмалар, нафас олиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш тизими, пешоб чиқиш, қон айланиш тизими, асаб тизими касалликлари ҳамда турли яллиғланишларни даволашда шифобахш ўсимликлар ва йиғмаларнинг фойдали хусусиятлари ва уларнинг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: доривор ўсимликлар, яллиғланиш, дамлама, қайнатма, йиғма, антиоксидант, мойли экстракт, экстракт, фиточой, биофаол қўшимча, технология, концентрация, ажратувчи.

КИРИШ. Доривор ўсимликлар орасида яллиғланишга қарши ишлатиладиган ўсимликлар катта қисми ташкил этади. Уларнинг асаб, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш тизимлари, айириш системаси ва бошқа яллиғланишга ҳамда микроорганизмларга қарши антисептик таъсир этадиган хилма-хил вакиллари бўлиб, уларнинг баъзи вакиллари билан кенгроқ танишамиз. Ундан ташқари, организмда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнларини меъёрлаштиришда ишлатиладиган шифобахш ўсимликлар ҳам келтирилган. Тиббиётнинг катта қисми бўлимиш доришунослик фанлари, фармакологиянинг ажралмас қисми бу фитопрепаратлар ҳисобланади. Фитопрепаратлар анъанавий тиббиётнинг

асосини ташкил этади. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида кўплаб доривор ўсимликлар кенг ёритилган [1]. Ҳозирги замон тиббиёт амалиётида қўлланиладиган препаратларнинг асосини ташкил этадиган, анъанавий тиббиётда қўлланилган воситалар ҳам айнан доривор ўсимликлардир [2].

УСУЛЛАР. Шифобахш ўсимликлар асосида экстрактлар олишда, ўсимлик тури, экстракция қилинадиган қисми, хомашё таркибидаги биологик фаол моддаларнинг гуруҳларига кўра ажратувчи танлаб олинади. Одатда, амалиётда турли фойзли этанол, сув, эфир ёки бошқа ажратувчилардан фойдаланиб, мацерация, перколяция, ультратовушли ва бошқа экстракция усулларида фойдаланилади [3].

Истиқболли усуллардан бири – бу ультратовуш ёрдамида экстрактлар олиш ҳисобланади. Ультратовуш усулида экстракт олиш жараёнида, бўктирилган ўсимлик тўқималари кавитация ҳодисаси сабабли кучли тебранишга учрайди, тебраниш пайтида ажратувчи ўзи билан биофаол моддаларни экстракт сифатида ўсимлик тўқималари орасидан ажратиб чиқаради. Бу ҳолат экстракция жараёнини кам вақт сарфлаб амалга ошириш имконин беради.

Кўйида, доривор ўсимликлардан олиннадиган турли воситалар, жумладан, яллиғланишга қарши препаратлар ва йиғмаларга бўлган талаб ва қизиқишни ҳисобга олиб, бу мақолада асосий яллиғланишга қарши дори воситалари ва доривор ўсимликлар асосидаги йиғмаларни, уларнинг таъсир механизмларини, қўллаш кўрсатмалари ва фойдаланиш хусусиятларини, яллиғланишга қарши воситалар ва йиғмалар олишнинг усуллари, технологиялари ва турли доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотларнинг тиббиёт амалиётида ишлатилиши бўйича маълумотлар келтирамиз [4].

Яллиғланишга қарши таъсирга эга доривор ўсимликларга кўйидагиларни киритиш мумкин: доривор мойчечак (*Matricaria chamomilla*), зарчава (*Curcuma longa*), ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*), далачай (*Hypericum perforatum*), мингбарг (*Achillea millefolium*), эхинацея (*Echinacea purpurea*), панжа (*Potentilla erecta*), иван-чай (*Chamerion angustifolium*), қариқиз (*Arctium lappa*), эман пўстлоғи (*Quercus cortex*), оқ қалдирмоқ (*Tussilago farfara*), доривор гулхайри (*Althaea officinalis*), лаванда (*Лавандула angustifolia*), катта зуптурум (*Plantago major*) ва бошқа [5, 6, 7, 8, 9].

НАТИЖАЛАР. Доривор мойчечак (*Matricaria chamomilla*), тери, шиллик пардалар ва ички аъзолар яллиғланишларини даволашда кенг қўлланиладиган универсал воситадир. Унинг асосида тайёрланган препаратлар: чойлар, эфир мойлари, дамламалар, суртмалар, кремлар ва бошқалар. Экстракция қилишнинг замонавий технологиялари (буғли дистилляция, сув-спиртли экстракция) туфайли мойчечакнинг фаол компонентларини сақлаб қолиш мумкин, бу эса уни тиббиёт ва косметологияда юқори самарали ўсимликка айлантиради.

Доривор мойчечак фитотерапияда ишлатиладиган энг машҳур доривор ўсимликлардан биридир. Асосий фаол компонентларга азулен, хамазулен, α - бисаболол ва флавоноидлар киради. Бу моддалар яллиғланишга қарши, антисептик ва спазмолитик таъсирга эга [5].

Мойчечак тери ва шиллик пардаларнинг яллиғланиш касалликларида (дерматит, стоматит), дамламалари ва қайнатмалари эса чайиш ва ҳўллаш учун ишлатилади. Ташқи соҳада қўллаш учун суртма ва кремлар ишлатилади. Ошқозон-ичак тракти касалликларида (гастрит, колит) дамба ва чой кўринишида ички қабул қилинади. Ошқозон ва ичак шиллик қаватининг яллиғланишини бартараф қилади. Шамоллаш ва нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида яллиғланишни йўқотиш ва нафас олишни енгиллаштириш учун дамламаси билан ингаляция қилинади. Спазматик оғриқлар ва ҳайз бузилишида оғриқ ва спазмларни камайтириш учун мойчечакнинг дамламаси қўлланилади.

Мойчечакнинг дамба ва қайнатмалари ички ва ташқи қўллаш учун, эфир мойлари эса ингаляция, ароматерапия ва косметика воситалари сифатида қўлланилади. Косметик препаратлари (кремлар, лосьионлар) тери яллиғланишини даволаш учун ишлатилади. Чойлари эса яллиғланишни бартараф этиш ва организмни умумий мустаҳкамлаш учун истеъмол қилинади.

Мойчечак чойининг таркиби: курук мойчечак гуллари 2 г, қалампир ялпиз – 1 г. У яллиғланишни бартараф этиш, бўшаштириш, спазмларни енгиллаштиришда ишлатилади.

Ювиш учун мойчечак дамламаси таркиби: курук мойчечак гуллари – 5 г., сув – 250 мл. Томоқ ва оғиз бўшлиғи яллиғланишларида чайиш учун ишлатилади.

Ювиш учун мойчечакли гель таркиби: мойчечак экстракти (0,2%), пантенол (1%), аллантоин (0,5%). Юз терисининг таъсирланиши ва яллиғланишини бартараф этишда ишлатилади.

Яллиғланишга қарши таъсирга эга доривор ўсимликларга яна қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Зарчава (*Curcuma longa*). Циклооксигеназа (СОГ-2) каби ферментлар синтезини ингибирлаш қобилияти туфайли, яллиғланишга қарши, антиоксидант ва микробларга қарши таъсирга эга [6].

Зарчава занжабилдошлар оиласига мансуб бўлиб, унинг илдизпояларидаги асосий фаол компоненти – куркумин туфайли анъанавий ва замонавий тиббиётда кенг қўлланилади. Куркумин яллиғланишга қарши, антиоксидант ва микробларга қарши таъсирга эга, яллиғланишга қарши ситокинлар ва циклооксигеназа (СОГ-2) каби ферментлар синтезини ингибирлайди. Зарчава кўп функцияли ўсимлик бўлиб, унинг фаол компоненти куркумин турли шаклларда - капсулалардан тортиб косметика воситаларигача самарали қўлланилади. Зарчавага экстракциялашнинг перколяция усулида ишлов бериш ёки ультратовушли каби замонавий усулларидадан фойдаланиш фаол моддаларнинг оптимал миқдорига эга юқори сифатли, меъёрлаштирилган экстрактларини олиш имконини беради.

Куркумин қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

Бўғимларнинг яллиғланиш касалликларини даволашда (артрит, ревматизм), ичишга қабул қилиш учун таблетка ва капсулалар таркибида ишлатилади. Таъсирини кучайтириш учун босвеля, пиперин ёки омега-3 билан бирга ишлатилади.

Ошқозон-ичак трактининг яллиғланиш касалликларида (гастрит, яралар, таъсирланган ичак синдроми), капсулаларда кукун ёки экстракт кўринишида ишлатилади. Куркумин меъда шиллиқ қаватини химоя қилади ва яллиғланиш цитокинлари даражасини тартибга солади.

Сурункали яллиғланиш касалликлар (юррак-қон томир касалликлари, қандли диабет) профилактикасида микронизацияланган кукун ёки липосомал шакли ҳисобига биосингувчанлиги оширилган куркуминли БФҚ ларда ишлатилади.

Косметология воситалари тери яллиғланишларида (экзема, псориаз) қўллаш учун мўлжалланган ниқоблар, кремлар ва малҳамлар таркибига зарчаванинг пўстлоқ қисмидан олинган моддаси киритилади.

Зарчаванинг капсула ва таблеткалари, куркуминнинг стандартлаштирилган экстрактидир. Дамлама ва қайнатмалар–зарчаванинг кукун ичимликлар тайёрлаш учун, зарчава чойига эса, зарчава занжабил,

лимон, асал билан қўшилади. Суртма ва кремларда экстракти ёки кукуни ёғли асосларига қўшилади.

Куркумин ва пиперинли капсулалари таркиби: куркумин (стандартлаштирилган 95% гача) – 500 мг. Пиперин (қора мурч экстракти) - 5 мг. Яллиғланиш касалликларининг олдини олиш, бўғимларни қўллаб-қувватлашда ишлатилади. Ташқи қўллаш учун куркуминли крем–куркумин экстракти 2%, асос сифатида наъматак мойи, кокос мойи, эмульгатордан фойдаланилади.[5,6]

2. По состоянию на январь месяц 2025 года Государственную регистрацию прошли всего 92 наименования лекарственных средств с азитромицином, представленных в шести лекарственных формах, из которых 6 (6,52 %) являются комбинированными и 86 (93,48 %) – монокомпонентными препаратами.

3. Из проведенного анализа состояния Государственной регистрации в Республике Узбекистан следует, что наиболее широко используются препараты азитромицина в таблетированной лекарственной форме, которую следует рекомендовать для освоения местными фармацевтическими предприятиями.

ЛИТЕРАТУРА.

1. Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей; учебник / Учайкин В. Ф., Нисевич Н.И., Шамшева О.В. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2013. - 688 с. - ISBN 978-5-9704-2341-7. стр. 10.

2. Тышкун А. Инфекционные заболевания: список, симптомы, лечение, профилактика / А. Тышкун. – URL: <http://fb.ru/article/231092/infektsionnyie-zabolevaniyasписок-simptomyi-lechenie-profi-laktika> (дата обращения: 21.01.2018).

3. Ивакина, С.Н. Оценка современного состояния российского фармацевтического рынка в условиях социально-экономического кризиса / С.Н. Ивакина, Г.М. Нагимова, Б.А. Бакиров // Медицинский вестник Башкортостана – 2016. – Т. 11, № 4 (64). – С.1-4.

4. Разработка комплекса маркетинговых коммуникаций для розничного сектора фармацевтического рынка / Г.Ф.Лозовая, А.Р.Бадакшанов, М.В.Ларионов, И.В.Осипова // Медицинский альманах. – 2010. – № 1 (10). – С.204-206.

5. Конкурентная стратегия фармацевтических организаций в условиях кризиса / Г.Ф. Лозовая, С.Н. Ивакина, А.Р. Бадакшанов, Ж.В. Мироненкова // Вестник Башкирского государственного медицинского университета. – 2014. – № 6. – С.58-65.

6. Доклад Всемирной организации здравоохранения «Варианты политики в сфере возмещения стоимости лекарственных средств в Европе» 2018 г., стр 228.

7. Государственная фармакопея Республики Узбекистан, 1 изд., II том, I часть, 12/2021:0049. – С. 4717-4719.

8. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №29, 2025 г. (17.01.2025 г.).

9. www.vidal.ru/drugs/azithromycin.

10. Дронов И.А. Значение азитромицина при инфекциях дыхательных путей и ЛОР-органов у детей в амбулаторных условиях. ЭФ. Пульмонология и оториноларингология. 2/2011. Обзорная статья. – С.40-54.

STATUS OF STATE REGISTRATION OF AZITHROMYCIN DOSAGE FORMS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Summary. The study presents the results of an analysis of the State registration of azithromycin dosage forms in the Republic of Uzbekistan. The research found that out of a total of 92 mono- and combined azithromycin preparations, the largest number – 42 (45.65%) - were registered in tablet dosage form. The next most common registered dosage forms were capsules with 26 (28.26%) items, followed by powders for suspension preparation and suspensions with 10 (10.87%) items each. Based on the analysis results, it is concluded that the most widely used azithromycin drug formulation is the tablet form.

Key words: *azithromycin, dosage form, suspension, single-component drugs, combination drugs, generic drugs, pharmaceutical market, State registration, local production.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЗИТРОМИЦИН ДОРИ ШАКЛЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон Республикасида азитромицин дори шакллари ни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати таҳлили натижалари келтирилган. Тадқиқот шуни кўрсатдики, азитромициннинг моно- ва комбинацияланган препаратларининг умумий миқдоридан (жами 92 номда) 42 таси (45,65%) таблетка шаклида давлат рўйхатидан ўтказилган. Рўйхатга олинган дори шакллари сони бўйича кейинги ўринни 26 та (28,26 %) капсулалар эгаллайди. Суспензия учун кукунлар ва суспензияларнинг ҳар бири 10 тадан (10,87%) рўйхатдан ўтказилган. Таҳлил натижалари азитромициннинг таблетка шакли энг кенг қўлланиладиган дори шакли эканлигини кўрсатди.*

Калит сўзлар: *азитромицин, дори шакли, суспензия, моно-препаратлар, комбинацияланган препаратлар, генерик препаратлар, фармацевтика бозори, давлат рўйхатидан ўтказиш, маҳаллий ишлаб чиқариш.*

Фармацевтика фанлари

УЎТ: 614.27:615.324

Рамазонова Шахзода Шойим қизи

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти таянч

докторант, PhD, Тошкент ш.

Камилов Хусан Маъсудович

Ф.ф.д., профессор, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот

институти Биопрепаратлар лабораторияси мудури, Тошкент ш.

**МАҲАЛЛИЙ ЯЛЛИГЛАНИШГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАМДА ИЛОН ЗАҲРИ ТАРКИБЛИ
ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОНТЕНТ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация. Маҳаллий яллигланишга қарши ва илон заҳри таркибли дори воситалари ассортименти контент таҳлил усули орқали ўрганилди. Таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган маҳаллий яллигланишга қарши дори воситалари ассортиментининг таркибий тuzилиши, кенглиги, чуқурлиги, дори шакли бўйича улушлари аниқланди ҳамда номенклатуранинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди. Маҳаллий яллигланишга қарши дори воситаларининг (МЙҚДВ) фармацевтика бозорига кириб келиш динамикасининг ишлаб чиқарувчи давлатлар орасидаги тақсимоли натижалари келтирилди.

Калит сўзлар: контент таҳлил, маҳаллий яллигланишга қарши, ассортимент кенглиги, ассортимент чуқурлиги, илон заҳри таркибли дори воситалари.

КИРИШ. Аҳолининг дори воситалари билан таъминланиш даражаси, мавжуд касалликларни даволаш учун дори воситалари ассортиментининг кенглиги каби кўрсаткичларни аниқлашда дори воситаларининг контент таҳлил усули қўлланилади. Контент таҳлил усули фаолиятнинг маҳсулини текшириш имконини берувчи математик-статистик усул ҳисобланади. Контент таҳлил қатор афзалликларни, жумладан тизимли ва объективликни тақлиф этади. Аниқ белгиланган методология туфайли бу тадқиқот усули субъектив баҳоларнинг таъсирини минималлаштириш ва ишончли натижаларга эришиш имконини беради.

Бошқа тадқиқот усулларидан фарқли равишда, контент таҳлил усули сифатли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга қаратилган [4, 5].

Яллиғланиш (грекча – «phlogosis», лотинча – «infla-matio») организмда келиб чиқадиган мураккаб иммунобиологик ва ҳимоя мослашув реакцияси бўлиб, алтерация, экссудация ва пролиферация каби жараёнлар билан борадиган ҳолатдир [6].

Замонавий тиббиёт амалиётида муҳим муаммолардан бирига айланган ушбу жараённи даволаш учун аҳоли сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминланган бўлиши, дорихона муассасаларида бундай дори воситалари ассортиментни етарли миқдорда бўлиши лозим. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорининг асосий сегментини ташкил этувчи маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментини ўрганиш, уни замонавий, юқори сифатли, безарар препаратлар билан оптимал равишда шакллантириш орқали янгилаш даражасини ўрганиш мақсадида контент таҳлили ўтказилди [1, 2, 3].


УСУЛЛАР. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда 2025 йил №29 сонли “Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари давлат реестри”да келтирилган маълумотлар асосида маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментни ҳамда илон захри таркибли дори воситалари ассортиментининг контент таҳлили ўтказилди. Контент таҳлили ассортиментнинг кенглиги, чуқурлиги каби кўрсаткичлар асосида амалга оширилди [3].

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида қайд этилган ва тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат этилган маҳаллий яллиғланишга қарши дори препаратларининг номлари, ишлаб чиқарилиш шакли, ишлаб чиқарувчи номи ва мамлакати бўйича маълумотлар контент таҳлилинини ўтказишда асос қилиб олинди.

НАТИЖАЛАР. “Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри”дан олинган маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментини қайд этиш кўрсаткичлари қайта ишланди, гуруҳларга ажратилиб, қиёсий ўрганилди.

Таҳлил натижасида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган МЙҚ дори воситаларининг умумий миқдори савдо номи бўйича 84 та препаратдан иборатлиги ва бу халқаро патентланмаган номи (ХПН) бўйича 39 та дори воситасига тўғри келиши

аниқланди. Ўрганилган ассортиментнинг 45,78 % (38 та) таркиби бир компонентли, 54,21 % (45) эса кўп компонентли эканлиги аниқланди (1-расм). Бундан МЙҚДВ ассортиментининг кенглик кўрсаткичи юқори эканлигини кўриш мумкин.



1-расм. МЙҚДВ ассортиментининг таркиби бўйича гуруҳлари

МЙҚДВ лари дори шакли бўйича таҳлил қилинганда 66,67% ини юмшоқ дори шакллари (гел 25%, суртма 21,42%, крем 16,67%, қаламча 1,19%, пластир 1,19%, шамча 1,19%), 21,42% ини суюқ дори шакллари (суюқлик 3,57%, настойка 2,38%, эритма 8,33%, спрей 5,95%, суспензия 1,19%) ва 9,52% ини қаттиқ дори шакллари (таблетка 3,57%, доривор ўсимлик хом ашёси 5,95%) ташкил этиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

ЙҚДВ ларининг дори шакли бўйича таснишланиши

Дори шакли	Улуши	сони
Гел	25%	21
Суюқлик	3,57 %	3
Қаламча	1,19 %	1
Крем	16,67 %	14
Доривор ўсимлик хом ашёси	5,95 %	5
Суртма	21,42 %	18
Настойка	2,38 %	2
Пластир	1,19 %	1
Эритма	8,33 %	7
Спрей	5,95 %	5
Шамча	1,19 %	1
Суспензия	1,19 %	1
Таблетка	3,57 %	3

Дори воситалари ассортиментининг кенглик кўрсаткичи ассортимент гуруҳларининг миқдори, ҳар бир гуруҳдаги препаратлар миқдорига қараб белгиланса, чуқурлик кўрсаткичи бир препаратга тўғри келадиган дори шакллариининг сонига асосланиб аниқланади. 2-жадвалда биттадан ортиқ дори шаклига эга бўлган МЙҚДВнинг чуқурлик кўрсаткичи таҳлил қилинган.


2-жадвал

МЙҚДВнинг ассортимент чуқурлиги кўрсаткичи бўйича таҳлили

Препаратнинг савдо номи	ХПН	Дори шакли	Ишлаб чиқарувчи фирма ва давлат
ДИКЛОМИД	Comb.drug (Diclofenac, methylsalisylate, linseed oil, menthol)	1. Спрей 55 г N1, N6 2. Гель 20 г	Midway Pharmaceuticals Pvt. Ltd., Ҳиндистон
ЗИПЕЛОР	Benzylamine	1. Оғиз учун эритма 1,5 мг/мл 100 мл 2. Спрей 1,5 мг/мл 30 мл	Фармак, АО, Украина
ШАЛФЕЙ	Salvia officinalis	1. Таблетка №20, №30 2. Доривор ўсимлик хомашёси 10 кг, 15 кг, 20 кг, 25 кг; 30 г, 50 г; 1 г, 1,5 г, 2 г №20, №25	Рубикон, ООО, Беларусь Asel, ЧМП, Ўзбекистан


Жадвалда кўришимиз мумкинки, Дикломид, Зипелор, Шалфей каби дори воситаларининг икки хилдан дори шакли мавжуд.

МЙҚДВ ассортименти таҳлил қилинганда 84 та препаратдан 11 таси (13,25%) МДХ давлатларидан, 52 таси (62,65%) хорижий давлатлардан келтирилганлиги ва 20 таси (24,09%) Республикамизда маҳаллий ишлаб чиқарилиши аниқланди (2-расм).



2-расм. Маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситаларининг ишлаб чиқарувчи ҳудудлари бўйича таҳлили

МЙҚДВни маҳаллий ишлаб чиқарувчилари бўйича таҳлил қилинганда, етакчи фирмалар қаторида Merrymed Farm, МЧЖ 5 та (25%), Pharmacom Medicine, МЧЖ 3 та (15%), Гербофарм, ХК 3 та (15%), Радикс, МЧЖ 2 та (10%), Замона Рано, МЧЖ 2 та (10%), Зиё Нур Фарм, ХК 2 та (10%), Лекинтеркапс, МЧЖ, Jurabek Laboratories, СП МЧЖ, Асел, ЧМП 1 тадан (5%) препаратни рўйхатдан ўтказганлиги аниқланди. Хориждан келтириладиган маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситаларини мамлакатлар бўйича таҳлил қилинганда уларнинг асосий қисми Ҳиндистоннинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқариладиган дори воситаларига тўғри келиб, умумий ассортиментнинг 36,7% ини ташкил этди. Шунингдек, Болгария (3,57%), Германия (2,38%), Полша (3,57%), Туркиядан (3,57%) импорт қилинадиган маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ҳам ассортиментнинг салмоқли улушини ташкил этади. МДХ давлатлари кесимида таҳлил қилинганда Россия ва Украина (4,76% дан)да ишлаб чиқариладиган дори воситалари етакчи ўринда эканлигини кўриш мумкин (3-расм).




3-расм. Ўзбекистон Республикасида қайд этилган маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситаларининг мамлакатлар бўйича таҳлили

Маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментни халқаро номига кўра таҳлил қилинганда асосий қисми (54,21%) ини комплекс дори воситалари ташкил этиши аниқланди. Шунингдек, benzydamine (8%), Calendulae officinalis (5%), Tacrolimus (4%) улушлари билан етакчи ўринда эканлиги кўрилди (3–жадвал, 4-расм).

3-жадвал

Маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментининг халқаро номига кўра таҳлили

Халқаро номи	номи	улуши
Arnica montana	1	1%
Benzydamine	7	8%
Bidens tripartita	2	2%
Bismuth subgallat*	1	1%
Calendulae officinalis*	4	5%
Chamomilla recutita*	1	1%
Comb.drug	45	54,21%
Dexketoprofen	1	1,20%
Diclofenac	1	1,20%
Dimethyl sulfoxide	3	3,61%
Fluocinolone acetonide	2	2,41%
Folia Eucaliptus*	1	1,20%
Ibuprofen	2	2,41%
Ichtammol	2	2,41%
Ixtammol	1	1,20%
Ketoprofen	1	1,20%
Povidone	1	1,20%
Salvia officinalis	2	2,41%
Tacrolimus	4	4,81%
Tenoxicam	1	1,20%



4-расм. Маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментининг халқаро номига кўра таҳлили

Дорихона амалиётида қўлланиладиган маҳаллий яллиғланишга қарши дори воситаларининг 29 таси беморларга рецепт асосида, 54 таси эса рецептсиз берилади (4-жадвал).

4-жадвал

МЙҚДВ нинг дорихонада беморларга берилиш таҳлили


Рецепт билан бериладиган препаратлар	34,52%	29
Рецептсиз бериладиган препаратлар	65,47%	54

Илон заҳри қадимдан тиббиётда яллиғланишга қарши самарали восита сифатида қўлланилиб келинган. Бунгунги кунда заҳар асосида турли фармацевтик корхоналарда дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бундай дори воситаларининг айримлари Ўзбекистон фармацевтик бозорида ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг 2025 йил 29 сони асосида илон заҳри таркибли дори воситалари контент таҳлил қилинганда 3 та дори воситаси мавжудлиги аниқланди (5-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган илон захри таркибли дори воситалари

Савдо номи	Халқаро номи
ВИПРАТОКС (Vipratox)	Comb.drug (Venom of Vepera lebetina, acidum salicylicum, camphora)*
НАЯТОКС® (Nayatoks)	Comb.drug (Dry Cobra venom, Methylsalicylate, Eucalyptus oil, Camphor)*
ВИПРОСАЛ (Viprosal B)	B® Comb.drug (Venenum Viperae berus sicc, camphora, oleum terebinthinae, acidum salicylicum)*

Илон захри таркибли дори воситалари ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлил қилинганда Хорижий давлатлар (Вьетнам, Эстония) фирмалари 66,67% ни, МДХ давлатлари (Украина) эса 33,33 % ни ташкил этиши, бу турдаги дори воситалари маҳаллий ишлаб чиқарилмаслиги аниқланди (5-расм)



5-расм. ИЗТДВ ишлаб чиқарувчи давлатлар улушлари

Дори шакли бўйича ўрганилганда 3 та препаратнинг барчаси юмшоқ дори шакли эканлиги, жумладан, 2 таси суртма ва 1 таси линимент кўринишида ишлаб чиқарилиши аниқланди (6-жадвал)

ИЗТДВ дори шакли бўйича таснифи

Дори шакли	Улуши	Сони
Суртма	66,66%	2
Линимент	33,33%	1

МУҲОКАМА. Маҳаллий яллиғланишга қарши ва илон заҳри таркибли дори воситалари ассортименти контент таҳлил усулида ўрганилди. Таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган маҳаллий яллиғланишга қарши ва илон заҳри таркибли дори воситалари ассортименти таркибий тузилиши, ассортимент кенглиги, чуқурлиги, дори шакли, давлатлар ва ишлаб чиқарувчи фирмалар улушлари аниқланиб, номенклатуранинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди.

ХУЛОСА. Илон заҳри инсон организми учун ниҳоятда фойдали оксил, аминокислота, ферментларга бой бўлиб, унинг асосида ишлаб чиқиладиган дори воситалари фармацевтика амалиётида катта аҳамиятга эга. Бу турдаги дори воситалари асосан оғриқ қолдирувчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрида келтирилган маълумотлар асосида ўрганилганда республикамиз фармацевтика бозорида бу турдаги 3 та дори воситаси мавжудлиги, уларнинг барчаси хориж ва МДҲ давлатларидан импорт қилиниши аниқланди. Олиб борилган контент таҳлил натижасида илон заҳри таркибли дори воситалари ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқишга жорий этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри 2025 йил №29.

2. Mackessy SP. Biochemistry and pharmacology of colubrid snake venoms. *J Toxicol Toxin Rev.* 2002;21(1–2):43–83. doi:10.1081/TXR-120004741.

3. Oliveira, Ana L.; Viegas, Matilde F.; da Silva, Saulo L.; Soares, Andreimar M.; Ramos, Maria J.; Fernandes, Pedro A. (July 2022). "The chemistry of snake venom and its medicinal potential". *Nature Reviews Chemistry.* 6 (7): 451–469.

4. [\[https://skyeng.ru/magazine/wiki/it-industriya/chto-takoe-kontent-analiz\]](https://skyeng.ru/magazine/wiki/it-industriya/chto-takoe-kontent-analiz).

5. <https://milliycha.uz/ru/kontent-tahlil>].

6. <https://haqida.su/yallig-lanish-haqida-kerakli-malumotlar>.

АНАЛИЗ СОСТАВА МЕСТНЫХ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ И ПРЕПАРАТОВ, СОДЕРЖАЩИХ ЗМЕИНЫЙ ЯД

Аннотация. Методом контент-анализа изучен ассортимент местных противовоспалительных средств, содержащих змеиный яд. На основании проведенного анализа определены структурный состав, ширина, глубина и доли ассортимента местных противовоспалительных средств, разрешенных к применению в медицинской практике в Республике Узбекистан по лекарственным формам, дана оценка качественных и количественных показателей номенклатуры. Представлены результаты распределения динамики поступления местных противовоспалительных препаратов (МПП) на фармацевтический рынок по странам-производителям.

Ключевые слова: контент-анализ, местные противовоспалительные средства, ширина ассортимента, глубина ассортимента, препараты, содержащие змеиный яд.

CONTENT ANALYSIS OF LOCAL ANTI-INFLAMMATORY MEDICINES AND MEDICINES CONTAINING SNAKE VENOM

Summary. The range of local anti-inflammatory and snake venom-containing drugs was studied using the method of content analysis. Based on the analysis, the structural structure, breadth, depth, and shares of the range of local anti-inflammatory drugs permitted for use in medical practice in the Republic of Uzbekistan by dosage form were determined, and the qualitative and quantitative indicators of the nomenclature were assessed. The results of the distribution of the dynamics of entry of local anti-inflammatory drugs (LADs) into the pharmaceutical market among manufacturing countries were presented.

Keywords: Content analysis, local anti-inflammatory, breadth of assortment, depth of assortment, snake venom-containing medicines.

Фармацевтика фанлари

УЎТ: 615.038

Хужимов Ахмад Холикович

Тошкент фармацевтика институти Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаштириши кафедраси ассистенти, Тошкент ш.

Олимов Немат Каюмович

ф.ф.д., профессор, Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси мудури Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.

Сидаметова Зайнаб Энверовна

ф.ф.д., Тошкент фармацевтика институти Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси в/б профессори, Тошкент ш.

ТУРКИСТОН АЮГАСИ (*AJUGA TURKESTANICA*), ТЕМИРТИКАН (*TRIBULIS TERRESTERIS L.*) ВА УНИНГ АСОСИДА ОЛИНГАН СУБСТАНЦИЯ ТАРКИБИДАГИ ФЛАВАНОИДЛАР МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ

Аннотация. Туркистон Аюгаси – *Ajuga turkestanica* (Лот), ялтизлар оиласига мансуб. Туркистон Аюгаси Ўрта Осиёда ўсувчи гуллик ўсимлик, Ўзбекистон Республикаси учун эндемик бўлиб, Сурхандарё вилоятининг тоғли ерларда ўсади. Ўсимлик кўп йиллик бўлиб, бўйи 40-60 смгача етадиган, Сурхандарё вилоятида табиий ҳолда ўсадиган ўсимлик, ер устки қисмидан экстракция усули билан қуруқ экстракт ажратиб олинган.

Темиртикан (*Tribulis terresteris L.*) *Zygophyllaceae* оиласига мансуб. Дунёнинг жанубий Европа, Африка, шимолий Америка, шимолий Австралия ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларидан Молдавия, Кавказ, жанубий-шарқий Украина ва Ўрта Осиё давлатларида кенг тарқалган бир йиллик гуллик ўсимлик бўлиб, ер багирлаб ёввойи ҳолда ўсадиган, бўйи 1-1,50 метргача етади. Табиий ҳолда ўсадиган ўсимлик, устки қисмидан экстракция усули билан қуруқ экстракт ажратиб олинган. Олинган қуруқ экстрактнинг таркибини ўрганиш учун юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усулидан фойдаланилди ва унинг таркибидаги флаваноидлар миқдори таҳлил қилинди. Таҳлил учун олинган Туркистон Аюгасининг ва Темиртикан экстракти “ВИАРЕН” биологик фаол қўшимча (БФҚ) таркибига киради. Ушбу биологик фаол қўшимча эркакларда тестестерон гармони етишмаслик ҳолатида,

тиббиётнинг спорт йўналишида мускулларни ўстирувчи ва куч қувват берувчи восита сифатида тавсия этилади.

Калит сўзлар: Туркистон Аюгаси, Темиртикан, қуруқ экстракт, хом ашё, флаваноидлар.

КИРИШ. Тиббиёт соҳасида қўлланиладиган синтетик воситалар тиббиётда беморларни даволашда ишлатилиши турли хил касаликларга олиб келиши, аллергия чақириши, салбий таъсир кўрсатиши, организм томонидан яхши ўзлаштирилмаслиги сабабли, уларнинг ўрнига доривор ўсимликлардан биологик фаол моддалар ажратиб олиниб, беморларни даволашда қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда самарали биологик фаол қўшимча (БФК)лар технологиясини яратиш фармацевтика соҳанинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Туркистон Аюга ва Темиртикан ўсимликлари таркибида организм учун муҳим бўлган витаминлар, макро-микроэлементлар, флаваноидлар ва бир неча турдаги аминокислоталар сақлайди [7, 8].

Туркистон Аюгаси ўсимлигидан халқ табобатида иситма тушуширувчи, тиш оғриғида, ич кетиш касалликларида, безгак, юқори қон босими, диабет ва ошқозон ичак-касаликларини даволашда, яллиғланишга қарши, антибактериал ва сийдик ҳайдовчи воситалар сифатида ишлатилган [3].

Темиртикан халқ табобатида барча асаб касалликларида, сийдик ҳайдовчи, буйракдаги тошларни эритиш учун, бел оғриғи ва санчикларда, қулоқ касалликрида, эркаларда эркалик хусусиятини кўтариш учун ишлатилади. Бундан ташқари организмга куч берувчи, қон босимини тушурувчи сифатида ишлатилади [11]. У бириктирувчи сифатида ҳам қўлланилади.

Туркистон аюгаси ва Темиртикан ўсимлигидан олинган қуруқ экстракти тестостерон гармони етишмовчилиги касалликларини даволашда, спортчилар ва тана мускулларини чиқарувчи сифатида фойдаланади. Туркистон аюгаси қуруқ экстракти асосида тайёрланган биологик фаол қўшимчалар тиббиётда қўлланилиши сабабли унинг асосий таркибий қисмларини ўрганиш ва фармацевтика амалиётида замонавий жуда сезгир ва самарали таҳлил усулларида ЮССХ кенг қўлланилиб келинмоқда [12].


Тадқиқот мақсади. Туркистон аюгаси ва Темиртикан ўсимликлари ер устки қисмидан мацерация усули билан олинган қуруқ экстракт

таркибидаги флавоноидларнинг миқдорини ЮССХ усули билан таҳлил қилиш.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСУЛЛАРИ. Тадқиқот объекти сифатида Сурхандарё вилоятида ёввойи ҳолда ўсган Туркистон аюгаси ва Темиртикан доривор ўсимлик ер устки қисмидан олинган қуруқ экстракти ишлатилди ва уни таҳлил қилишда ЮССХ усулидан фойдаланилди.


Ўсимлик ер устки қисмидан олинган қуруқ экстракт таркибидаги биологик фаол бирикмалари флавоноидларнинг миқдорий кўрсаткичлари аниқланди.

Тажриба қисми: Ўсимликлардан қуруқ экстракт олиш учун ўсимликнинг ер устки қисми 0,1-1,5 мм ўлчамларда майдаланди. Бунинг учун 1000 мл ли колбага майдаланган 1,0000 гр ҳом ашё солинди ва устига 70% ли 99 мл этил спирти 50-60°C ҳароратда 120 дақиқа давомида аралаштириб турилди. Сўнгра ультратовушли ваннада 35°C ҳароратда ҳар 15 дақиқада 10 дақиқа оралиғида 2 марта давомида экстракция қилинди. Олинган ажратма хона ҳароратида совутилиб, филтрланди. Сўнгра ажратма роторли буғлатгичда 1:5 нисбатгача қуюлтирилди. Олинган қуюқ экстрактни вакуум қуриткич асбобида 60°C ҳароратда 18 соат давомида қуритилди.



1-расм. Туркистон Аюгаси экстракти таркидаги флавоноидларни ЮССХ усулида миқдорини аниқлаш хроматограммалари

Туркистон Аюгаси ўсимлигидан олинган куруқ экстракт кучсиз ҳидли, ўзига хос яшил-қорамтир (нос рангига ўхшаш) рангли гигроскопик кукун. Темиртикан ўсимлигидан олинган куруқ экстракти оч сарғиш рангли ўзига хос кучсиз ҳидли кукун. Ўсимлик ер устки қисмидан олинган куруқ экстракт таркибидаги флаваноидлар миқдори ЮССХ усулида таҳлил қилинди.



2-расм. Темиртикан экстракти таркидаги флаваноидларни ЮССХ усулида миқдорини аниқлаш хроматограммаларинатижаси

Таҳлил Agilent Technologist 1260 русумидаги ЮССХда олиб борилди. Ускуна УБ детекторли (250x4,6 мм, 5,0 мкм) C₁₈ колонкада амалга оширилди. Мобил фаза ацетонитрил ва буфер эритма (30:70).

Аниқлаш мос равишда 200 нм ва 400 нм тўлқин узунлигида амалга оширилди. Мобил фаза тезлиги 0.75 мл/мин, таҳлил қилинган намуна ҳажми 5 мкл. Хроматография шароити рН=2.92. Таҳлил давомийлиги 20 дақиқани ташкил қилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Таҳлил натижасида 4 турдаги флаваноидлар мавжудлиги аниқланди

№	Доривор ўсимлик номи	Флаваноидлар номи ва миқдори мг /100г									
		Апигенин	Гиполаети	Рутин	Гиполаетин 7-O-D-Gly	Изорафетин	Галл кислота	Гиперазид	Лютеолин	Мирицин	Кверцетин
1	Туркистон аюгаси ўсимлигининг курук экстракти	27,161	-	333,731	-	-	70,208	-	-	3,699	-
2	Темиртикан ўсимлигининг курук экстракти	4,914	-	59,594	-	-	15,476	0,928	-	-	-

ХУЛОСА. Туркистон аюга ва темиртикан ўсимлигининг ер устки қисмидан мацерация усули орқали курук экстракт ажратиб олинди. Шу экстрактдан тайёрланган эритма таркибидаги флаваноидлар миқдорини ЮССХ усули орқали аниқланди. Олинган натижалар юқоридаги расм ва жадвалларда келтирилган. Туркистон аюгаси ва темиртикан ўсимликлари таркибидаги апегенин, рутин, галл кислота, мирицин ва апегенин, гиперазид каби флаваноидлар миқдори аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. *The Plant List*. 2013. Retrieved 4 September 2021.
2. *Ajuga Turkestanica*“ *dermatology.mhmedical.com* (2015). Qaraldi: 2021-yil 4-sentyabr.
3. “Bugle, Common”. *botanical.com*. Qaraldi: 2021-yil 4-sentyabr.
4. “Medicinal Weed: Ajuga, aka Bugleweed”. *newlifeonahomestead.com* (2014-yil 23-aprel). Qaraldi: 2021-yil 4-sentyabr.
5. *Traditional Folk Remedies*. Century, 1987 – 95-bet. ISBN 978-0-7126-1731-4.
6. “Ethnomedicinal Uses, Phytochemistry, Pharmacology, and Toxicology of Species from the Genus *Ajuga* L.: A Systematic Review”. *The American Journal of Chinese Medicine* **47** (5): 959-1003. 2019. doi:10.1142/S0192415X19500502. PMID 31416340.

7. “Ajuga Turkestanica”. *dermatology.mhmedical.com* (2015). Qaraldi: 2021-yil 4-sentyabr.

8. “Ajuga turkestanica increases Notch and Wnt signaling in aged skeletal muscle”. *European Review for Medical and Pharmacological Sciences* **18** (17): 2584-2592. 2014. PMID 25268108.

9. “The minor ecdysteroids from Ajuga turkestanica”. *Phytochemical Analysis* **26** (5): 293-300. 2015. doi:10.1002/pca.2563. PMID 25953625.

10. “Phytoecdysteroids Do Not Have Anabolic Effects in Skeletal Muscle in Sedentary Aging Mice”. *International Journal of Environmental Research and Public Health* **18** (2): 370. January 2021. doi:10.3390/ijerph18020370. PMID 33418916. PMC 7825148.

11. *Jignesh Kevalia, Bhupesh Patel*. Identification of fruits of Tribulus terrestris Linn. and Pedalium murex Linn.: A pharmacognostical approach // Ayu. – 2011-10-01. – Т. 32, вып. 4. – С. 550-553. – ISSN 0976-9382. – doi:10.4103/0974-8520.96132. Архивировано 23 ноября 2016 года.

12. *Nabiel A. M. Saleh, Ahmed A. Ahmed, Mohamed F. Abdalla*. Flavonoid glycosides of Tribulus pentandrus and T. Terrestris // Phytochemistry. – 1982-01-01. – Т. 21, вып. 8. – С. 1995-2000. – doi:10.1016/0031-9422(82)83030-6.

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ФЛАВАНОИДОВ В
СУБСТАНЦИИ ЖИВУЧКА ТУРКЕСТАНСКАЯ (AJUGA
TURKESTANICA) И ЯКОРЦЫ СТЕЛЮЩИЕСЯ (TRIBULUS
TERRESTRIS L.).**

Аннотация. Живучка туркестанская - *Ajuga turkestanica* (лат.), относится к семейству аюговых. Живучка туркестанская — цветковое растение, произрастающее в Средней Азии, эндемичное для Республики Узбекистан, встречается в горных районах Сурхандарьинской области. Растение многолетнее, достигает высоты 40-60 см. Из надземной части растения методом экстракции выделен сухой экстракт.

Якорцы стелющиеся-*Tribulus terrestris* L. относится к семейству парнолистниковых. Это однолетнее цветущее растение, широко распространенное в Южной Европе, Африке, Северной Америке, Северной Австралии, странах СНГ, Молдавии, на Кавказе, юго-востоке Украины и в Средней Азии. Растет в диком виде, достигая высоты 1-1,50 метра. Сухой экстракт получают путем экстракции из надземных частей естественно растущего растения. Для изучения состава полученного

сухого экстракта использовали высокоэффективную жидкостную хроматографию (ВЭЖХ) и проанализировали количество флавоноидов в его составе. Экстракты живучки туркестанской (*Ajuga turkestanica*) и Якорцев стелющихся (*Tribulus terrestris* L.) взятые для анализа, входят в состав биологически активной добавки (БАД) «ВИАРЕН», которая рекомендуется при дефиците тестостерона у мужчин, как средство, ускоряющее рост мышечной массы и силы в спортивной области медицины.

Ключевые слова: Живучка туркестанская, якорцы стелющиеся, сухой экстракт, сырье, флавоноиды.

DETERMINATION OF FLAVANOID CONTENT IN TURKESTANIC TERRIBLE AND TRIBULA TERRIBLE.

Summary. *Ajuga turkestanica* (lat.), belongs to the *Ajuga* family. *Ajuga turkestanica* is a flowering plant growing in Central Asia, endemic to the Republic of Uzbekistan, grows in the mountainous regions of the Surkhandarya region. The plant is perennial, reaches a height of 40-60 cm, in nature it grows in the Surkhandarya region. A dry extract was isolated from the above-ground part by the extraction method.

Tribulus terrestris L. belongs to the *Zygophyllum* family. It is an annual flowering plant, widespread in Southern Europe, Africa, North America, Northern Australia, the CIS countries, Moldova, the Caucasus, southeastern Ukraine and Central Asia. It grows wild in the ground, reaching a height of 1-1.50 meters. The dry extract is obtained by extraction from the above-ground parts of the naturally growing plant. High-performance liquid chromatography (HPLC) was used to study the composition of the obtained dry extract and analyze the amount of flavonoids in its composition. Extracts of Turkestan bugleweed and iron thorn, taken for analysis, are part of the biologically active supplement (BAA) "VIAREN", this biologically active supplement is recommended for testosterone deficiency in men, as a biologically active supplement that increases muscle growth and strength in the field of sports medicine.

Key words: Turkestan bugleweed, *Tribulus terrestris*, dry extract, raw materials, flavonoids.

Фармацевтика фанлари

УЎТ: 614.27, 615.11

Ишонқулова Наргиза Ферузжоновна

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти, Тошкент ш.

Ашуров Абдурахмон Акбаралиевич

Ф.ф.н., катта илмий ходим, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти директори, Тошкент ш.

Мадатова Назира Абдугаффаровна

Ф.ф.н., Алфраганус университети Тиббиёт факултети, Фармацевтика ва кимё кафедраси доценти, Тошкент ш.

КАРДИОТОНИК ВОСИТАЛАРНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

***Аннотация.** Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри: 2019 йил №23, 2020 йил №24, 2021 йил №25, 2022 йил №26 ва 2023 йил №27 маълумотлари ва санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат қўмитаси томонидан тақдим этилган 2019-2023 йилларда рўйхатга олинган биологик фаол моддалар рўйхати DRUG AUDIT маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган кардиотоник воситаларининг маркетинг таҳлили ўтказилди.*

***Калит сўзлар:** биофаол қўшимчалар, дори воситалари, кардиотоник воситалари, контент-таҳлил, Асосий дори воситалари рўйхати, дори воситалари ассортименти, DRUG AUDIT маълумотлари таҳлили, фармацевтика бозори.*

КИРИШ. Ҳозирги кунда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳаёт сифатини ошириш масалаларига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, озиқ-овқат таркибида организм учун зарур бўлган витаминлар, минераллар ва биологик фаол моддаларни тўлиқ таъминлаш мақсадида биофаол қўшимчалардан (БФҚ) фойдаланиш оммалашмоқда.

Сўнгги йилларда юрак-қон томир касалликларининг кўпайиши кардиотоник воситаларга бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари дунёда енг кўп учрайдиган ўлим сабаблари

қаторига киради. Бу эса ушбу турдаги дори воситаларнинг бозорда доимий равишда талабга эга эканлигини кўрсатади.

Кардиотоник таъсирга эга бўлган биофаол қўшимчалар – бу юрак ва қон томир тизимини қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқарилган табиий ёки синтетик моддалар бўлиб, уларнинг асосий мақсади юрак мушакларининг фаолиятини яхшилаш, қон босимини меъёрлаштириш ва юрак етишмовчилигини олдини олишдан иборат [1].

Кардиотоник воситаларининг ассортимент таҳлилини олиб борилганда, ушбу гуруҳнинг “Асосий дори воситалари рўйхати”га қандай гуруҳлари ва дори шакллари киргазилганлиги, “Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри”даги таҳлили ва бозордаги улуши каби кўрсаткичлари таҳлил қилинган [1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кардиотоник биофаол қўшимчаларнинг асосий қисми хориждан импорт қилинади. Коензим Q10, Омега-3 ёғ кислоталари, L-карнитин ва бошқа муҳим биофаол моддалар асосан АҚШ, Европа ва Осиё давлатларидан олиб келинади. Бу эса уларнинг нархини оширади ва маҳаллий бозор учун қимматга тушишига сабаб бўлади.

Шу сабабли хориждан келтирилган дори воситалари, биофаол қўшимчалар ўрнини босувчи кардиотоник воситаларининг кенг ассортиментини ишлаб чиқиш ва тиббиётга жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Ишнинг мақсади: кардиотоник таъсирга эга воситаларнинг ассортимент таҳлилини 2019-2023 йиллардаги даври учун контент таҳлили ва DRUG AUDIT маълумотлари асосида фармацевтик бозордаги ўрнини ўрганиш.

УСУЛЛАР. Фармацевтика бозорининг салоҳиятини белгиловчи маркетинг кўрсаткичларидан бири дори воситаларининг ассортимент таҳлили ҳисобланади [2].

Таҳлил жараёнида объект сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23-сон, 2020 йил 24-сон, 2021 йил 25-сон, 2022 йил 26-сон ва 2023 йил учун 27-сон “Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри”дан, 31.08.2023 йилдаги 3455-рақамли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ва ва санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат қўмитаси томонидан тақдим

этилган 2019-2023 йилларда рўйхатга олинган биологик фаол моддалар рўйхати, DRUG AUDIT маълумотларидан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР. 31.08.2023 йилдаги 3455-рақамли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига асосан, 11-юрак-қон томир бўлимида кардиотоник восита сифатида таркибида дигоксин асосий таъсир қилувчи модда сақлаган дори воситалари киритилган.

1-жадвал

Асосий дори воситалари рўйхатидаги кардиотоник воситалари

Тартиб рақами	Халқаро патентланмаган номи	Дори шакли
11. Юрак-қон томир воситалари		
11.10. Кардиотоник воситалар		
1	Дигоксин	0,1 мг; 0,25 мг таблеткалар
		0,25 мг/мл 1 мл инъекция учун эритма

Сўнгги 2023 йилдаги 27-сонли “Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри” маълумотларга кўра Ўзбекистон ҳудудида умумий 18 номда кардиотоник воситалари рўйхатдан ўтган. Ушбу воситаларнинг 14 таси (78% ни) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, 3 таси (16,5% ни) чет эл ишлаб чиқарувчилари ва 1 таси (5,5% ни) МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари улушига тўғри келмоқда [3].

Охирги 5 йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаш натижалари 2-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2019-2023 йилларда чет эл келтириляётган кардиотоник воситаларининг улуши ошмаган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатдан ўтказилган кардиотоник воситалар сон жиҳатдан ва дори шакллари жиҳатидан ошиб борган. Маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан 2019 йилда асосан ўсимлик хом ашёси ва настойка шаклида кардиотоник воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, 2023 йилга келиб капсула, инъекцион эритма каби шакллари ҳам ишлаб чиқарилган [4, 5]. Юқоридаги кўрсаткичлар Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган БФҚ бўйича ҳам таҳлил қилинган ва натижалари 3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Кардиотоник таъсирга эга воситаларнинг ишлаб чиқарувчи давлатлар кесимида рўйхатдан ўтказиш таҳлили

Ишлаб чиқарувчилар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Умумий миқдори	20	24	19	16	18
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	17	20	16	12	14
МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари	-	1	1	1	1
Чет эл ишлаб чиқарувчилари	3	3	2	3	3

3-жадвал

Кардиотоник таъсирга эга БФҚларнинг ишлаб чиқарувчи давлатлар кесимида рўйхатдан ўтказиш таҳлили

Ишлаб чиқарувчилар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Умумий миқдори	6	8	13	9	12
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	8	5	9	7	8
МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари	-	1	1	1	1
Чет эл ишлаб чиқарувчилари	2	2	3	2	3

Натижалардан кўриниб турибдики, 2019-2020 йилларда кардиотоник воситаларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатдан ўтказилиш миқдори ошган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ва чет эл ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган кардиотоник воситаларнинг улуши деярли ўзгаришсиз қолган. Рўйхатдан ўтган кардиотоник воситаларининг асосий қисмини эса бугунги кунга келиб маҳаллий ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган воситалар ташкил қилмоқда.

Таҳлилимизни кейинги қисмида кардиотоник воситаларини қабул қилинадиган шакли бўйича таҳлили ўтказилди. Ушбу таҳлил асосида олинган натижалардан маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан келажакда қандай шаклдаги кардиотоник воситаларини ишлаб чиқарилиши кераклиги ҳақида маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

4-жадвал

**Кардиотоник таъсирга эга воситаларнинг шакллари бўйича
ассортимент таҳлили**

Дори шакли	2019		2020		2021		2022		2023	
	миқ-дори	%	миқ-дори	%	миқ-дори	%	миқ-дори	%	миқ-дори	%
умумий	20	100	24	100	19	100	16	100	18	100
Инъекцион эритма	1	5	1	4.1	1	5.3	2	12.5	2	11.1
Инфузия учун концентрат	1	5	3	12.5	3	15.8	4	25	4	22.2
Настойка	6	30	8	33.4	8	42.1	5	31.3	6	33.3
Ўсимлик хом ашёси	10	50	10	41.6	6	31.5	4	25	3	16.7
Капсула	2	10	2	8.4	1	5.3	1	6.2	3	16.7

4-жадвалда кардиотоник воситаларининг шакли бўйича таҳлил натижалари келтирилган.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, рўйхатдан ўтказилган кардиотоник воситаларини аксариятини 2019 йилда ўсимлик хом ашёси ва настойка дори шаклидаги воситалари ташкил қилган, 2023 йилга келиб уларнинг сони қисқариб, инфузион ва инъекцион эритмалар, капсула каби шаклларнинг улуши ошиб борган. Чет эл ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва рўйхатдан ўтказилган кардиотоник воситалари аксарияти инфузион ва инъекцион эритмалар шаклидаги воситалардир.

5-жадвал


**Кардиотоник таъсирга эга БФҚларнинг шакллари бўйича
ассортимент таҳлили**

БФҚ шакли	2019	2020	2021	2022	2023
	миқдори	миқдори	миқдори	миқдори	миқдори
умумий	6	8	13	13	12
Таблетка	1	2	5	5	4
Капсула	1	2	10	8	7
Сироп	1	1	4	3	1
Гранула	1	1	3	3	1
Эритма	1	1	1	3	1
Настойка	-	1	1	2	-
Асалли балзам	-	-	-	-	1
Куқун	-	-	3	-	-

Биофаол моддалар таҳлилида эса капсула шаклидаги дори шакллари нисбатан органлигини кўриш мумкин.


Таҳлилнинг кейинги қисмида кардиотоник воситаларни 2018-2022 йиллар оралиғидаги ўзгаришини DRUG AUDIT маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра 2018-2019 йилларда кардиотоник воситаларини Ўзбекистон фармацевтик бозоридаги ўсиши бир оз пасайган, лекин 2020 йилдан кейин йил сайин кардиотоник воситаларининг бозордаги улуши ортиб борган ва бунга пропорционал равишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган кардиотоник воситаларнинг ҳам бозорга ишлаб чиқариш сони ортиб борган. Таҳлил натижалари 1-расмда келтирилган.

2019-2023 йиллар давомида рўйхатдан ўтган биофаол моддалар таҳлил қилинганда 2023 йилга келиб, салмоқли равишда ўсганлиги кўриш мумкин. Таҳлил натижалари 2-расмда келтирилган.



1-расм. DRUG AUDIT маълумотлари асосида 2018-2022 йилларда кардиотоник воситаларининг Ўзбекистон бозоридаги ҳажми

1-расмдан кўришимиз мумкинки, 2019 йилда кардиотоник воситаларининг бозордаги улуши сезиларли даражада камайган.



2-расм. 2019-2023 йилларда кардиотоник БФҚларининг Ўзбекистон бозоридаги ҳажми

МУҲОКАМА. Натижалардан кўриниб турибдики, чет эл ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган кардиотоник воситалари маҳаллий бозорда қабул қилиш шакли тури жиҳатидан хилма-хилликни намоён этган бўлсада, йил сайин маҳаллий ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналар томонидан ҳам ишлаб чиқарилаётган кардиотоник воситаларнинг улуши йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирда бозорда мавжуд бўлган кардиотоник воситаларнинг каттагина қисмини маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан рўйхатдан ўтказилганлигига қарамасдан, чет эл фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган кардиотоник воситалари улуши салмоқли ҳисобланади.

Ушбу маълумотлар асосида хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкин: 2018-2019 йиллардан буён маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган кардиотоник воситалар сони бўйича ўсган, шунинг билан бирга чет элдан ва МДҲ давлатларидан ҳам келтирилаётган воситаларнинг ҳам улуши ҳам бир оз ортган. Бундан ташқари маҳаллий бозорда мавжуд бўлган ва четдан олиб келинаётган кардиотоник воситаларининг айрим шаклларида (инъекцион ва инфузион эритмалар, капсулалар) ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан кардиотоник воситаларни янги фармакологик гуруҳларини ва янги шаклларида ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда долзарбдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Sarvarova, D. M., Madatova, N. A., Yunuskhodzhaeva, N. A., Iminova, I. M. (2023). Study Of The Assortment Of Antioxidant And Hemostatic Medicines Registered In The Republic Of Uzbekistan. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 1028-1033.

2. Madatova N.A. et al. Diareyani oldini olish va davolashda qo'llaniladigan dori vositalarining anketa (so'rovnom) asosida tahlilini o'tkazish // Konferensiya material. – 2022. 4-8 b.

3. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри 2023 йил №27.

4. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри 2022 йил №26.

5. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри 2021 йил №25.

6. Ўзбекистон Республикасида Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри 2020 йил №24.

МАРКЕТИНГОВЫЙ АНАЛИЗ КАРДИОТОНИЧЕСКИХ СРЕДСТВ

Аннотация: Государственный реестр лекарственных средств, медикаментов и медицинской техники Республики Узбекистан за 2019 год: 2019 № 23, 2020 № 24, 2021 № 25, 2022 № 26 и 2023 № 27 данные и санитарно-эпидемиологические данные по данным проведенного в 2019-2023 годах лекарственного аудита исследования биологически активных веществ. вещества Маркетинговые преимущества кардиотонических препаратов были выявлены благодаря веществам, содержащимся в лекарствах и лекарственных препаратах лекарственного назначения.

Ключевые слова: биологически активные добавки, лекарственные средства, кардиотоники, контент-анализ, перечень основных лекарственных средств, ассортимент лекарственных средств, анализ аудиторских данных о лекарственных средствах, фармацевтический рынок.

MARKETING ANALYSIS OF CARDIOTONIC TOOLS

Summary. The State Register of medicines, medicines and medical equipment of the Republic of Uzbekistan for 2019: 2019 No. 23, 2020 No. 24, 2021 No. 25, 2022 No. 26 and 2023 No. 27 data and sanitary and epidemiological data according to the data of the Drug Audit conducted in 2019-2023 research of biologically active substances The marketing advantages of cardiostimulant drugs have been revealed by the substances contained in medicines and medicinal products.

Key words: dietary supplements, medicines, cardiostimulants, content analysis, list of essential medicines, range of medicines, analysis of audit data on medicines, pharmaceutical market.

Тиббиёт фанлари

УЎТ: 616-036.22

Умурзаков Шавкатжон Давлатиёрович

Т.ф.н., Вирусология илмий тадқиқот институти Табиий ўчоқли ўта хавфли вирусли инфекциялар лабораторияси эпидемиология бўлими бошлиғи Тошкент ш.

Рузметова Сохиба Исломбоевна

Вирусология илмий тадқиқот институти Табиий ўчоқли ўта хавфли вирусли инфекциялар лабораторияси вирусолог шифокори, Тошкент ш.

Камолходжаев Дилмурод Алиходжаевич

Вирусология илмий тадқиқот институти Табиий ўчоқли ўта хавфли вирусли инфекциялар лабораторияси вирусолог шифокори, Тошкент ш.

Султонова Сурайё Ғайратовна

Вирусология илмий тадқиқот институти Табиий ўчоқли ўта хавфли вирусли инфекциялар лабораторияси вирусолог шифокори, Тошкент ш.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҚРИМ-КОНГО ГЕМОРРАГИК ИСИТМАСИ БЎЙИЧА ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТ

Аннотация. Мақолада Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан тўпланган кана намуналарини лаборатор текшириши натижасида ҳудудларнинг бир қатор туманларида Қрим-Конго геморрагик иситмасининг табиий ўчоқлари аниқланлиги ёритилган. Жумладан Андижон вилоятининг Бўстон ва Қўрғонтепа туманларида, Наманган вилоятининг Уйчи, Давлатобод, Наманган, Учқўрғон, Косонсой ва Тўрақўрғон туманларида Фарғона вилоятининг Бешариқ, Тошлоқ, Ўзбекистон туманлари ва Қувасой шаҳар ҳудудларида аниқланган.

Калит сўзлар: арбовирус, Қрим-Конго геморрагик иситмаси, антиген, иммунафермент, вирус, инфекция, кана, пула.

КИРИШ. Ўзбекистон худудида арбовирус инфекциялари бўйича ноқулай эпидемиологик вазиятни ўрганиш ва аниқлаш учун тизимли ёндашув – эпизоотологик ва эпидемиологик мониторинг ўтказишнинг зарурлигини кўрсатади. Бу республикаимиз аҳолисининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган чоралардан бири ҳисобланади.

Арбовирус инфекцияларини эпидемиологик назорат қилиш самарадорлигини ошириш жиҳатларидан бири эпидемиологик мониторинг кузатуви оптималлаштиришдир. Арбовирус инфекцияларининг эпидемиологик кузатишни ўтказиш давомида олинган маълумотлар эпидемик ва эпизоотик жараёнларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини тезкор динамик баҳолаш, шунингдек ретроспектив эпидемиологик таҳлилни ўтказиш имкониятини яратади. Ушбу вазифаларга мувофиқ, арбовирус инфекциялари бўйича эпидемиологик мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашни: касалланиш ҳолати, патогенларнинг асосий ташувчилар ва манбаалар орасида айланиши, одамлар ва ҳайвонлар орасида арбовирусларга жамоавий иммунитет даражасининг ҳолатини ўз ичига олиши керак.

Республикамизнинг баланд тоғ минтақаларидан ташқари деярли бутун ҳудуди арбовирус инфекциялари жумладан Қрим-Конго геморрагик иситмаси (ҚКГИ) учун эндемик ҳудудлардан ҳисобланади [5]. Сўнгги йилларда эндемик ҳудудларда касалликнинг антропоургик ўчоқларининг кўпайиши кузатилмоқда. Шу билан бирга, касалликнинг аҳоли орасида спородик шаклда тарқалиши йиллар йиллар давомида кузатилиб келинмоқда.

Касаллик апрел-август ойларида кўпайиши билан мавсумий динамикага эга. Ушбу мавсумийлик иксода каналарининг сонининг кўпайиши мавсумига тўғри келади. Бироқ, касалликнинг алоҳида ҳолатлари йил давомида содир бўлиши мумкин, бу каналар биологиясига боғлиқ. Масалан, *Ornithodoros lahorensis* кана турлари фаоллиги мавсуми октябрдан апрелгача давом этади [4, 3]. Сўнгги 50 йиллар давомида Фарғона водийсида маҳаллий шифокорлар томонидан ҚКГИ касаллиги аниқланмаган ва рўйхатга олинмаган. Аммо ўтган давр мабойнида ушбу инфекция кўзгатувчилари бўғимоёқли кана турларида аниқланмоқда. 1973 йил Ўзбекистон ҳудудида Қашқадарё, Самарқанд ва Андижон вилоятларида йиғилган уй ҳайвонлари ва каналарнинг 5 турида яъни *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Dermacentor marginatus*, *Boophilus calcaratus* ва *Argas persicus* ҚКГИ вирусини аниқланган [1, 2].

Демак, ушбу вилоятларда ҚКГИ инфекцияга нисбатан мавжуд эпидемиологик ва эпизоотологик ҳолат ўрганилмаган.

Табиатда ҚКГИ вирусининг узоқ йиллар давомида мавжудлиги унинг четдан яъни қўшни давлатлардан кириб келиши аҳамиятсиз бўлиб

қолади. Чунки республикамизда ушбу инфекциянинг эндемик ўчоқлари шаклланиб бўлган.

Худудларни эпидемиологик баҳолашда аҳоли орасида касалланишнинг йўқлиги кўриб чиқиладиган ҳудудда патоген кўзгатувчиларининг мавжуд эмаслиги бўлиб хизмат қила олмайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун иксода каналарининг барча турларини ва инфекция кўзгатувчиларнинг асосий озиқлантирувчи манбаларини вирусологик ҳамда серологик тадқиқотлар ўтказиш орқали аниқлаш зарур.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ. Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидан 2021-2022 йиллар давомида тўпланган кана намуналарини серологик таҳлиллари асосида ҚКГИ инфекциясига нисбатан ҳудудларда эпизоотологик ҳолатни ўрганишдан иборат.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСУЛЛАРИ. Фарғона водийсида ҚКГИ инфекциясининг табиий ўчоқлари тарқалганлигини аниқлаш мақсадида Андижон вилоятидан 2021 йил 940 дона (113 пула), 2022 йил 451 дона (93 пула), Наманган вилоятидан 2021 йил 115 дона (8 пула), 2022 йил 1795 дона (129 пула), Фарғона вилоятидан 285 дона (21 пула) ва 2022 йил 598 дона (46 пула) кана намуналари тўпланди.

Тўпланган кана намуналари иммунофермент таҳлили (ИФТ) ва полимераза занжирли реакцияси (ПЗР) услубларида таҳлил қилинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ. Фарғона водийсидан тўпланган кана намуналари турларга ажратилиб пулаларга тақсимланди.

Андижон вилоятидан 2021 йил тўпланган 940 дона кана намуналари 113 пулага умумлаштирилиб турларга ажратилганда *H.an.anatolicum* 185 дона (22 пула), *A.persicus* 57 дона (6 пула), *H.detrutum* 155 дона (25 пула), *Haemaphysalis sulcata* 20 дона (1 пула), *B.calcaratus* 60 дона (21 пула), *Rh.bursa* 261 дона (25 пула), *Rh.sanguineaus* 202 дона (13 пула)ни ташкил этди.

2021 йил Андижон вилоятидан тўпланган кана намуналари серологик таҳлил қилинганда барча намуналардан манфий натижа олинди.

2022 йил ушбу вилоятдан тўпланган кана намуналари 451 дона 93 пулаларга умумлаштирилиб турларга ажратилганда *Rh.sanguineaus* 47 дона (9 пула), *H.an.anatolicum* 117 дона (24 пула), *Rh.bursa* 13 дона (3 пула), *Rh.turanicus* 37 дона (9 пула), *H.as.asiaticum* 141 дона (18 пула), *A.persicus* 43 дона (8 пула), *H.detrutum* 18 дона (17 пула), *H.marginatus* 21 дона (5 пула) ва *H.dramedori* 12 дона (1 пула)ни ташкил этди.

Ушбу тўпланган кана намуналари серологик таҳлил қилинганда 93 пуладан 8 таси (8,6%) мусбат натижа берди. Жумладан Бўстон туманидан 10,3% (29/3), Қўрғонтепа туманидан 45,5% (11/5) кана намуналари ҚКГИ вируси билан зарарланганлиги аниқланди.

Кана турларидан Бўстон туманида *H.an.anatolicum* 12,5% (8/1), *H.detrutum* 11,1% (18/2), Қўрғонтепа туманида *Rh.sanguineaus* 36,4% (11/4) ва *A.persicus* 54% (37/20) ҚКГИ вируси билан зарарланганлиги аниқланди.

Наманган вилоятидан 2021 йил 115 дона кана намуналари 8 пулага умумлаштирилиб турларга ажратилди. Жумладан *B.calcaratus* 50 дона (3 пула), *H.detrutum* 45 дона (3 пула) ва *H.an.anatolicum* 20 дона (2 пула).

2021 йил Наманган вилоятидан тўпланган 8 пула кана намуналари серологик таҳлил қилинганда барча намуналардан манфий натижа олинди.

2022 йил ушбу вилоят худудидан 1795 дона (129 пула) кана намуналари тўпланди.

Тўпланган кана турлари ўрганилганда *H.an.anatolicum* 385 дона (40 пула), *Rh.sanguineaus* 240 дона (16 пула), *H.detrutum* 230 дона (14 пула), *Rh.turanicus* 170 дона (13 пула), *H. pl. plumbium* 45 дона (3 пула), *B.calcaratus* 70 дона (3 пула), *H.as.asiaticum* 285 дона (12 пула) ва *A.persicus* 360 дона (28 пула)ни ташкил этди.

Ушбу 129 пула кана намуналари серологик таҳлил қилинганда уларнинг 10% (13 пула) ҚКГИ вируси билан зарарланганлиги аниқланди. Туманлар кесимида ушбу инфекция билан зарарланиш даражаси Уйчи туманидан 9% (11/1), кана турларидан *H.as.asiaticum* 20% (110/22), Давлатобод туманидан 42,8% (14/6), кана турларидан *A.persicus* 50% (150/75), Наманган туманидан 20% (10/2), кана турларидан *H.an.anatolicum* 46,7% (15/7), *A.persicus* 11,8% (85/10), Учқўрғон туманидан 4,4% (23/1), кана турларидан *Rh.sanguineaus* 23,3% (30/7), Косонсой туманидан 16,7% (12/2) кана турларидан *H.an.anatolicum* 14,6% (41/6), *Rh.sanguineaus* 100% (20/20) ва Тўрақўрғон туманидан 7,7% (13/1) кана турларидан *R.turanicus* 50% (22/11) ни ташкил этди.

Вилоят бўйича ҚКГИ вируси билан кана турларининг зарарланиш даражаси *H.an.anatolicum* 5% (385/19), *Rh.sanguineaus* 12,5% (240/30), *R.turanicus* 7,6% (170/13), *H.as.asiaticum* 8,4% (285/24) ва *A.persicus* 25% (360/90) ни ташкил этди.

Фарғона вилоятидан 2021 йил давомида 285 дона (21 пула) кана намуналари тўпланди. Жумладан *Rh.sanguineaus* 15 дона (1 пула), *B.calcaratus* 10 дона (1 пула), *H.as.asiaticum* 130 дона (10 пула),

H.an.anatolicum 90 дона (6 пула), *H.detrutum* 20 дона (1 пула) ва *Rh.bursa* 20 дона (2 пула) турларга ажратилди.

Ушбу кана намуналари лаборатор таҳлил қилинганда вилоят бўйича 4,7% (21/1) ҚКГИ вируси билан зарарланганлиги аниқланди. Туманлар кесимида Бешариқ туманидан тўпланган кана намуналарининг 22,2%, турлар орасида *H.as.asiaticum* 100% (10/10) зарарланганлиги аниқланди.

2022 йил ушбу вилоят ҳудудидан 598 дона (46 пула) кана намуналари тўпланди. Тўпланган кана намуналари турларга ажратилганда *Rh.sanguineaus* 5 дона (1 пула), *H.an.anatolicum* 95 дона (10 пула), *H.pl.plumbeum* 10 дона (1 пула), *Rh.turanicus* 130 дона (11 пула), *H.as.asiaticum* 15 дона (1 пула), *A.persicus* 180 дона (6 пула), *H.detrutum* 75 дона (8 пула), *B.calcaratus* 28 дона (3 пула), *H.marginatus* 20 дона (1 пула) ва *Or. papillipes* 40 дона (4 пула) ни ташкил этди.

Ушбу тўпланган кана намуналари серологик таҳлил қилинганда 8,9% (46/4) ҚКГИ вируси билан зарарланганлиги аниқланди. Туманлар кесимида каналар сони бўйича Бешариқ туманида 20% (25/5), кана турларидан *H.detrutum* 100%, Тошлоқ туманида 18,7% (48/9), кана турларидан *B.calcaratus* 32,1%, Ўзбекистон туманида 25% (40/10), кана турларидан *Or. papillipes* 25% ва Қувасой шаҳрида 50% (30/15), кана турларидан *Rh.turanicus* 50% ҚКГИ вируси билан зарарланганлиги қайд этилди.

ХУЛОСА. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан тўпланган кана намуналарини текшириш натижасида вилоятларнинг бир қатор туманларида ҚКГИ нинг табиий ўчоқлари шаклланганлиги маълум бўлди. Жумладан Андижон вилоятининг Бўстон ва Қўрғонтепа туманларида, Наманган вилоятининг Уйчи, Давлатобод, Наманган, Учқўрғон, Косонсой ва Тўрақўрғон туманларида Фарғона вилоятининг Бешариқ, Тошлоқ, Ўзбекистон туманлари ва Қувасой шаҳар ҳудудларида аниқланди.

Кана турларидан Андижон вилояти ҳудудларида *H.an.anatolicum*, *H.detrutum*, *Rh.sanguineaus*, *A.persicus*, Наманган вилоятида *H.as.asiaticum*, *A.persicus*, *H.an.anatolicum*, *Rh.sanguineaus*, *Rh.turanicus*, Фарғона вилоятида *H.as.asiaticum*, *H.detrutum*, *B.calcaratus*, *Or.papillipes*, *Rh.turanicus* ҚКГИ вируси билан зарарланиш юқорилиги ҳамда кана турлари орасида ушбу касаллик вирусининг тарқалиши сезиларли даражада ортаётганлиги аниқланди.

Фарғона водийси худудларида каналарнинг ҚКГИ вируси билан зарарланишининг юқорилиги аҳоли орасида ушбу касаллик билан касалланишининг эҳтимоли ортишига сабаб бўлади.

Бунинг учун худудлардаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги ҳамда Ветеринария бошқармалари томонидан каналарнинг кўпайиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган чоратадбирлар самарадорлигини кучайтириши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Чумаков М.П. Крымская геморрагическая лихорадка. Вирусные геморрагические лихорадки. Науч. обзор. Медицина и здравоохран., Серия: «Эпидемиол. и инфекц. болезни», М., 1977. – С. 10-33.

2. Butenko A.M., Chumakov M.P. Isolation of Crimean-Congo hemorrhagic fever virus from patients and autopsy specimens. Arch. Viral (1990) {Suppl}: 295-301.

3. Узаков У.Я. Иксодовые клещи Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1972.

4. Кадыров А.М., Умурзаков Ш.Д. Эпизоотическая ситуация на территории Ферганской долины на арбовирусные инфекции. V-Международной научно-практической конференции на тему: "Актуальные проблемы диагностики, лечения и профилактики инфекционных и паразитарных заболеваний" 2009 г. г. Ташкент, стр.70-71.

5. Умурзаков Ш.Д., Кадыров А.М., Яковлев В.А., Волкова Н.Н. Андижон вилояти худудида Крым-Конго геморрагик иситмасига нисбатан ўтказилган эпидемиологик экспертиза натижалари. IV-съезд Микробиологов Узбекистана. 9-10 октябрь 2008 й. Тошкент ш., 199 бет.

ЭПИЗООТОЛОГИЧЕСКИЙ СЛУЧАЙ КРЫМСКО-КОНГО ГЕМОМРАГИЧЕСКОЙ ЛИХОРАДКИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Аннотация. В статье подчеркивается лабораторного исследования проб клещей, собранных в Андижанской, Наманганской и Ферганской областях, в ряде районов области выявлены природные очаги Крымской-Конго геморрагической лихорадки. В частности, он выявлен в Бостанском и Курган-Тепинском районах Андижанской области, в Уйчинском, Давлатабадском, Наманганском, Учкурганском, Косансойском и Туракурганском районах Наманганской области, в Бешарыкском, Тошлакском и Узбекистанском районах Ферганской области, а также в районе города Кувасой.

Ключевые слова: арбовирус, антиген, антропургик, вирус, крымская -конго геморрагическая лихорадка, иммунофермент, инфекция, клещ, пула.

EPIZOOTOLOGICAL CASE OF CRIMEAN-CONGO HEMORRHAGIC FEVER IN THE FERGANA VALLEY

Summary. *In the article, as a result of the laboratory examination of tick samples collected from Andijan, Namangan and Fergana regions, natural foci of Crimean-Congo hemorrhagic fever were identified in a number of districts of the regions. In particular, it was detected in the Bostan and Kurgan-tepa districts of Andijan region, in Uychi, Davlatabad, Namangan, Uchkurgan, Kosansoy, and Turakurgan districts of Namangan region, in Besharik, Toshlak, and Uzbekistan districts of Fergana region, and in the Kuvasoy city area.*

Key words: *arbovirus, antigen, anthropurgic, virus, Crimean-Congo hemorrhagic fever, immunoenzyme, infection, tick, pool.*

Медицинские науки

УДК: 615.2.28

Исламова Жаннат Икрамовна

Д.м.н., зав. лабораторией Паразитологии и аллергологии Ташкентского научно-исследовательского института вакцин и сывороток, г. Ташкент

Ахмедова Гузал Хайруллаевна

Свободный соискатель (PhD) Отдела фармакологии и токсикологии Института химии растительных веществ им. акад. С.Ю.Юнусова АН РУз г. Ташкент

Кушназарова Нигора Асомутдиновна

Старший научный сотрудник лаборатории Паразитологии и аллергологии Ташкентского научно-исследовательского института вакцин и сывороток, г. Ташкент

Элмурадов Бурхон Жураевич

Д.х.н. профессор, заместитель директора по науке и инновациям Института химии растительных веществ им. акад. С.Ю.Юнусова АН РУз, г. Ташкент

Аллабергенова Севара Маммаджановна

Докторант (PhD) Отдела органического синтеза Института химии растительных веществ им. акад. С.Ю.Юнусова АН РУз г. Ташкент

ИЗУЧЕНИЕ ОВИЦИДНОЙ АКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДНЫХ 3,4-ДИГИДРОХИНАЗОЛИНОВ В ОТНОШЕНИИ ЯИЦ *HYMENOLEPIS NANA* В УСЛОВИЯХ *IN VITRO*

Аннотация. Гименолелидоз (*Hymenolepis nana*) занимает первое место среди всех кишечных паразитозов детского населения в мире и мероприятия по снижению риска заражения населения этим заболеванием не теряют своей актуальности. Продолжаются исследования по поиску веществ, которые бы позволяли уничтожать гельминт *Hymenolepis nana* на стадии развития яйца. В связи с этим проведено изучение овицидной активности производных 3,4-дигидрохиназолинов: 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламида и 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламида в отношении яиц *Hymenolepis nana* в опытах *in vitro* в сравнении с фенолом.

Ключевые слова: гименолепидоз, овицидная активность, производные 3,4-дигидрохиназолонов.

ВВЕДЕНИЕ. Профилактика инфекционных и паразитарных заболеваний продолжает оставаться одной из самых важных и социально значимых задач мирового здравоохранения. Среди всего многообразия паразитарных инвазий наибольший процент занимают кишечные паразитозы, которые вызывают значительные нарушения в всем организме [1]. Гименолепидоз (возбудитель *Hymenolepis nana*) занимает первое место среди всех кишечных паразитозов детского населения в мире, благодаря особенностям механизма передачи яиц карликового цепня, что делает его трудно контролируемым заболеванием. Наиболее часто заражаются гименолепидозом дети дошкольного и младшего школьного возраста (4-10 лет) [2]. Распространение гименолепидоза в разных странах зависит не от климатических условий местности, а от степени плотности и скученности населения. Установлено, что карликовый цепень поражает преимущественно городское население, что обусловлено более высокой плотностью населения в городах, наличием большого числа детских учреждений, многонаселенных квартир и т. д. В результате изучения роли различных объектов внешней среды, участвующих в одномоментной или последовательной передаче возбудителя гименолепидоза, разработана схема путей передачи карликового цепня, которая подчеркивает ведущую роль рук как важнейшего промежуточного и важнейшего конечного фактора передачи яиц карликового цепня, а также как основного фактора, обеспечивающего с большим постоянством многократные внекишечные самозаражения больных гименолепидозом. Прямой занос яиц карликового цепня загрязненными руками в рот происходит в результате широко распространенной среди детей привычки грызть ногти, сосать пальцы, брать пальцы в рот, слюнявить их при перелистывании книги и т. д. Так, 98 из 106 детей дошкольного возраста, за которыми вели наблюдение на протяжении одного часа, брали пальцы в рот. В течение одного урока эта привычка была зарегистрирована у 91% учеников первых четырех классов и у 43% из 5-9-х классов [3]. Описанные наблюдения позволяют признать, что многократное внекишечное самозаражение больных гименолепидозом может обеспечивать длительное персистирование (пребывание) карликового цепня в организме человека, так как при этом

компенсаторном механизме передачи в течение короткого срока паразиты накапливаются в одном биологическом хозяине [4].

В связи с этим мероприятия по снижению риска заражения населения гименолепидозом не теряют своей актуальности и продолжаются исследования по поиску веществ, которые бы позволяли уничтожать гельминт *Hymenolepis nana* на стадии развития яйца.

Овициды – вещества, способные убивать яйца гельминтов в окружающей среде. Губительным действием в отношении яиц гельминтов обладают различные по химической природе соединения: фенол и его производные (пентахлорфенолят натрия, карболовая кислота), крепкие спирты, кислоты (азотная, серная), щелочи, сухая хлорная и негашеная известь, тиозон, карбатион, ацетон, йод, йодистый и бромистый метил и этил, хлороформ, производные карбаминовой и изоциановой кислот и др. [5].

Цель исследования – поиск новых овицидных средств среди производных 3,4-дигидрохиназолинов.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ. Проведено изучение овицидной активности 2-ух производных 3,4-дигидрохиназолинов, полученных синтетическим путем в отделе органического синтеза Института химии растительных веществ им. академика С.Ю.Юнусова АН РУз: 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид и 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид в отношении яиц гельминта *Hymenolepis nana* в опытах *in vitro* в сравнении с фенолом (гидроксibenзол, карболовая кислота C_6H_5OH) реализуется «МЕДИСЛАБУЗ». 5% раствор фенола используют для обезвреживания материала исследования (испражнения и др.) в паразитологических исследованиях [7].

Определялась степень воздействия изучаемых химических веществ на жизнеспособность и инвазивную способность яиц гельминта *Hymenolepis nana*, была установлена эффективная концентрация изучаемых веществ, а также определено время экспозиции [6].

Исследование овицидной активности исследуемых веществ проводилось согласно методическим рекомендациям "Методы санитарно-паразитологических исследований. МУК 4.2.796-99» (1999 г.). Определяли степень воздействия изучаемых веществ на яйца гельминтов, устанавливая концентрацию препаратов и экспозицию. Взвесь яиц гельминтов

помещали в чашки Петри (по 600-800 в каждой). Начинали испытание вещества при 5%-ном разведении и экспозиции до 30 мин. После этого яйца гельминтов отмывали водой вручную не менее 5 раз. В контроле яйца гельминтов находились в дехлорированной воде. При выявлении эффективных овицидов исследования с ними повторялись, но уже в меньших концентрациях. Испытуемые соединения оценивали по степени их овицидного действия – обладающие сильными, выраженными и слабыми овицидными свойствами, т.е. с высокой, средней и слабой эффективностью. К первым относили соединения, которые в наиболее приемлемых концентрациях вызывают гибель всех яиц гельминтов; ко вторым - соединения, убивающие свыше 50% яиц; к третьим - соединения, вызывающие гибель менее 50% яиц гельминтов. Критерий экспозиции предусматривался в пределах 30 минут. Для определения жизнеспособности яиц карликового цепня использовали методику Иониной Н.С. [8]: у живых яиц медианная пара эмбриональных крючьев или параллельна латеральным, или последние образуют с медианной угол у основания меньше 45°. У мертвых яиц латеральные пары образуют у основания угол с медианной парой больше 45° или же крючья беспорядочно разбросаны (утрачивается их парное расположение); иногда наблюдается сморщивание зародыша, образование зернистости.

Определение овицидной эффективности средств проводили согласно формуле расчета по Симонову А.П.:

$$OЭ = 100 - \frac{a1 \times c1}{a2 \times c2} \times 100 - \frac{P1 - P2}{n}$$




где: ОЭ – овицидная эффективность препарата (%); a1 – количество живых яиц гельминтов в опыте; a2 – в контроле; c1 – количество яиц, взятых для определения их жизнеспособности, в опыте; c2 – в контроле; P1 – процент погибших яиц в опыте; P2 – процент живых яиц в опыте; n – количество яиц, взятых для определения их жизнеспособности в опыте [9].

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ. Результаты исследования овицидной активности производных 3,4-дигидрохиназолинов в отношении яиц *Hymenolepis nana* в условиях *in vitro* в сравнении с фенолом показали, что изучаемые соединения 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид и 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид начинали проявлять свое действие в 5% концентрации при

экспозиции 15 мин ($26,8 \pm 0,30\%$ и $30,3 \pm 0,22\%$, соответственно), а препарат сравнения фенол в 5% концентрации проявлял сходное действие уже при экспозиции 5 мин ($36,8 \pm 0,34\%$) (табл.).

Таблица

Результаты исследования овицидной активности производных 3,4-дигидрохиназолинов в отношении яиц *Hymenolepis nana* в условиях *in vitro* в сравнении с фенолом (время экспозиции 5-30 мин., контроль принят за 0%)

Название и химическая формула вещества	Концентрация вещества в растворе	Овицидная эффективность (%±m)		
		Время экспозиции(мин.)		
		5	15	30
 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид	5%	-	$26,8 \pm 0,30^{**}$	$46,4 \pm 0,44^{**}$
	3%	-	-	$18,8 \pm 0,12$
	1%	-	-	-
 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид	5%	-	$30,3 \pm 0,22^{**}$	$52,6 \pm 0,40^{**}$
	3%	-	-	$13,4 \pm 0,10$
	1%	-	-	-
 Фенол (C ₆ H ₅ OH)	5%	$36,8 \pm 0,34^{**}$	$48,6 \pm 0,41$	100
	3%	-	-	$65,2 \pm 0,53^*$
	1%	-	-	$30,7 \pm 0,42^*$

Примечание: *- достоверно к препарату сравнения при $p < 0,001$;

** - достоверно к препарату сравнения при $p < 0,05$.

При увеличении экспозиции до 30 мин в тех же концентрациях овицидная эффективность фенола увеличилась до 100%, а действие 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламида и 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламида приводило к гибели $46,4 \pm 0,44$ и $52,6 \pm 0,40\%$ яиц карликового цепня, соответственно.

В сниженной концентрации (3%) изучаемые вещества проявляли свое действие только при экспозиции 30 мин и оказались слабо эффективными ($18,8 \pm 0,12$ и $13,4 \pm 0,10\%$, соответственно), а фенол в 3% концентрации оказывал $65,2 \pm 0,53\%$ эффективность. В 1% концентрации

при экспозиции 30 мин изучаемые соединения оказались абсолютно не эффективными, а фенол в этих условиях, хотя довольно слабо, но продолжал свое действие ($30,7 \pm 0,42\%$).

ЗАКЛЮЧЕНИЕ. Таким образом, проведенное исследование показало, что изучаемые соединения 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид и 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид обладают средним овицидным действием в отношении яиц *Hymenolepis nana* и дальнейший поиск веществ с заданной активностью среди производных 3,4-дигидрохиназолинов, учитывая наличие фенольного кольца в их химическом строении, является перспективным направлением.

ЛИТЕРАТУРА.

1. Файзуллина Р.А. Самороднова Е.А., Доброквашина В.М. Гельминтозы в детском возрасте. Практическая медицина. 2010. №3. – С. 31-36.

2. Марушко Ю.В., Грачева М.Г. Современное состояние проблемы гельминтозов у детей. Вопросы диагностики и лечения, Современная педиатрия. Киев, 2012. №3(43). – С. 1-5.

3. Ахатова Г.Х., Назарова У.Х., Турсунова Х.Н. Совершенствование эффективности применения профилактических мероприятий у детей по снижению заболеваемости гельминтозами. Молодой ученый. 2017. №16. – С. 25-27.

4. Сатаева Т. П., Кутя С. А., Смирнова С. Н., Казакова В. В. Исторический обзор изучения биологии карликового цепня // Российский паразитологический журнал. 2018. Т. 12. № 1. С. 18–26. DOI: 10.31016/1998-8435-2018-12-1-18-26.

5. Долбин Д. А., Хайруллин Р. З. Устойчивость яиц гельминтов к неблагоприятным физическим, химическим и биологическим факторам окружающей среды (обзор литературы) // Российский паразитологический журнал. – М., 2017. – Т.39. - Вып.1. – С.14-19.

6. Джафаров М.Х., Василевич Ф.И., Довгалев А.С., и др.а Антигельминтные субстанции: основные классы, проблемы, тенденции развития и перспективы, Медицинская паразитология и паразитарные болезни. 2016.

7. Тыжигирова, В.В. Т 93 Анализ лекарственных веществ по функциональным группам. Фенолы: учеб. пособие / Тыжигирова В.В.; ГБОУ ВПО ИГМУ Минздрава России. – Иркутск, 2013. – 40 с.

8. Ионина Н.С. Строение яиц карликового цепня и структуры его оболочек // Тр. ин-та малярии и мед. паразитол. Минздрава Таджик. ССР. 1954. № 2. – С. 67-80.

9. Методы санитарно-паразитологических исследований. Методические указания МУК 4.2.796-99. М.: Федеральный центр госсанэпиднадзора Минздрава России, 2000. – 67 с.

IN VITRO ШАРОИТЛАРИДА 3,4-ДИГИДРОХИНАЗОЛИН ҲОСИЛАЛАРИНИ ОВИЦИД ФАОЛЛИГИНИ *HYMENOLEPIS NANA* ТУХУМЛАРИДА ЎРГАНИШ

Аннотация. Гименолепидоз (*Hymenolepis nana*) дунёдаги барча болалар ичак паразитлари орасида биринчи ўринда туради ва аҳолининг хавфини камайтириши чоралари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ҳозиргача *Hymenolepis nana* гельминтини тухум ривожланиши босқичида йўқ қиладиган моддалар излаб топилмаган. Шу муносабат билан 3,4-дигидрохиназолин ҳосилалари: 2,3-диметил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламида ва 2-Метил-3-этил-4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфаниламид овицид фаоллигини аниқлашда *Hymenolepis nana* тухумларига *in vitro* шароитида фенолга нисбатан илмий изланишлар ўтказилган.

Калим сўзлар: гименолепидоз, овицид фаоллик, 3,4-дигидрохиназолинлар ҳосилалари.

STUDY THE OVICIDAL ACTIVITY OF 3,4-DIHYDROQUINAZOLINE DERIVATIVES AGAINST *HYMENOLEPIS NANA* EGGS IN VITRO

Summary. *Hymenolepidosis* (*Hymenolepis nana*) ranks first among all intestinal parasites of the child population in the world. So far, no treatment method has been developed that would allow the destruction of the helminth *Hymenolepis nana* at the stage of egg development. The ovicidal activity of 3,4-dihydroquinazoline derivatives: 2,3-dimethyl-4-oxo-3,4-dihydroquinazoline-6-sulfanilamide and 2-Methyl-3-ethyl-4-oxo-3,4-dihydroquinazoline-6-sulfanilamide was studied against eggs of *Hymenolepis nana* in *in vitro* experiments in comparison with phenol.

Key words: *hymenolepidosis*, ovicidal activity, derivatives of 3,4-dihydroquinazolines.

Тиббиёт фанлари

УЎТ: 616-093/-098, 616-031.3

Қосимов Одил Шодиевич

*Т.ф.д., Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти
Бактериология лабораторияси етакчи илмий ходими, Тошкент ш.*

Ашуров Абдурахмон Акбаралиевич

*Ф.ф.н., катта илмий ходим, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-
тадқиқот институти директори, Тошкент ш.*

Ражабов Ғулом Хурсандович

*Т.ф.н., катта илмий ходим, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-
тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,
Тошкент ш.*

Саъдинов Пахлавон Омонович

*Т.ф.н., Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти
Иммунология лабораторияси катта илмий ходими, Тошкент ш.*

КУЙДИРГИ (Сибир яраси)

(Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези ва клиникаси)


***Аннотация.** Куйдирги ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига киради шунинг учун соғлиқни сақлашнинг доимий глобал муаммоси бўлиб, ўлим хавфига эга бўлган бу юқумли касаллик эпидемик ўчоқлари пайдо бўлиши ва тарқалиши хавфига барҳам бериши ҳисобланади. Куйдирги клиник жиҳатдан оғир кечиши, ҳаёт учун хавфли асоратларининг кўп ривожланиши, юқори ўлим ҳолати, шунингдек тез тарқалиши билан тавсифланади. Ушбу мақолада куйдирги юқумли касаллигининг этиологик омилли тавсифи, эпидемиологик қонуниятлари, патогенез боқичлари ва шунингдек касаллик турли шакллариинг клиник манзаралари маҳаллий ва хорижий муаллифлар адабиёт маълумотлари асосида батафсил таҳлили тақдим қилинган.*

Калит сўзлар: куйдирги, *Anthrax*, эпидемиология, патогенез, клиника, *Bacillaceae Bacillus anthracis*, протектив антиген, шимми омилли, летал омил

Куйдирги (Сибир яраси) (СЯ) *Anthrax* инсониятга қадим замонлардан маълум бўлган одамлар ва ҳайвонларда оғир кечувчи ўта хавфли юқумли касаллик. Касаллик Гиппократ, Гомер, Гален ва Виргилия замонларидан

“муқаддас олов” (*ignes sacer*), ёки “форс олови” (*ignis percicus*) номлари билан танилган. 1788 йили С.С.Андриевский касалликнинг замонавий “сибир яраси” номини таклиф қилган. Ўзига касаллик юқтириш йўли билан ушбу касалликнинг одамларда ва ҳайвонларда этиологик омили бир хил эканлигини аниқлаган. Ф.Брауэлл эса ҳайвонларнинг *куйдирги* касаллиги билан одамлардан зарарланиши мумкинлигини исботлади. Касаллик чақирувчисини тоза культурасини биринчи бўлиб 1876 йили Р.Кох ажратган. Касалликни тирик вакцина билан иммунопрофилактика қилиш 1881 йили Пастер томонидан таклиф қилинган [44, 46, 48]. Кейинчалик эса (1883) Л.С.Ценковский рус тирик вакцинасини ишлаб чиқди. 1890 йили Қозон ветеринария институтининг профессори И.Н.Ланге ўзи тайёрлаган вакцина штамми (Ланге штамми)дан, бундан сўнг касаллик чақирувчисини ўрганиш учун кенг қўлланилган вакцинани яратди. 1902 йили А.Аскол қишлоқ хўжалик хомашёларини текшириш учун ҳозирги вақтда ҳам кўп ишлатиладиган термопреципитация диагностик реакциясини ишлаб чиқди [41].

Куйдирги кўзгатувчиси *Bacillaceae* *Bacillus anthracis* йирик (5-10 мкм), учи айланасимон, ҳаракатсиз ва таёқчасимон микроорганизм. Ушбу микроорганизмларнинг хусусиятларидан улар аэроб ва факултатив аэроб бўлиб Грам бўйича мусбат бўялади ва бошқа шунга ўхшаш бациллалардан ажратадиган мутлоқ белгиси бу уларнинг ҳаракатсизлигидир. Клиник материалларда жуфт-жуфт, қисқа-қисқа занжир кўринишида жойлашади. Озиқ муҳитларида эса узун занжир ҳосил қилиб бамбук таёқчаларига ўхшаш шакл ҳосил қилади (1-расм). Шунингдек улар ўзлари учун ноқулай ва экстремал шароитларда спора ҳосил қилади. Куйдирги таёқчаси макроорганизм резистентлик омилларидан ҳимояланиш учун *in vivo* шароитда капсула ҳосил қилади.



1-расм. *B.anthraxis* натив препаратларда жойлашиши (бамбук таёқчалари кўриниши)

Микроорганизм генетик аппарати нуклеотид ва иккита плазмидадан иборат. *B.anthraxis* патогенлиги асосий патогенлик омилларининг генетик детерминанталарини ўзида тутувчи иккита-pX01 ва pX02 плазмидалари борлиги билан таъминланади. pX01 плазмидасида протектив антиген (*protective antigen/PA*), летал омили (ЛО) (*lethal factor/LF*) ва шиш омил (ШО) (*edema factor/EF*)ларидан таркиб топган куйдирги токсини (Сибир яраси токсини) кодловчи генлар жойлашган. Бунда LF-омил ўзида хўжайин организми хужайраларидаги митоген-фаоллаштирувчи протеин киназа-киназалар (MARKKs MEKs MAPKK (*Mitogen-activated protein kinase kinase*)) [14] нинг N-охирини парчалайдиган рухга боғлиқ бўлган металлопротеиназани намоён қилиш билан хужайраларни пролиферацияси ва стрессдан ҳимоя қилишнинг бошқаруви сигнал йўллари бузади. EF-бу калмодулинга боғлиқ аденилциклаза бўлиб хўжайин хужайралари сигнал йўлларига таъсир қилиш орқали циклик аденозинмонофосфатнинг (цАМФ) миқдорини кўпайтиради. Морфологик (клиник) EF нинг таъсири тўқималар шиши билан намоён бўлади. PA ўзи тешик ҳосил қилувчи оксил бўлиб LF ва EF лар билан мажмуа (комплекс) ҳосил қилиб мос равишда летал токсин LT ва шиш ET токсини деб аталади. PA хужайра рецепторлари (TEM8 ва CMG2) билан боғланиб LF ёки EF ларни сут эмизувчилар хужайралари цитоплазмасига киришига воситачилик қилади [11, 25, 30]. pX02 плазмидасида поли В-глутамин кислотадан ташкил топган капсулани синтез қилувчи ферментларни кодловчи *capBCAED* оперон жойлашган. Капсула *B.anthraxis* нинг вегетатив хужайра шаклини қоплаб олиб хўжайин иммун реакцияларидан ҳимоя қилади [29]. Бу жойда шуни таъкидлаб ўтиш керакки *B.anthraxis* нинг экзотоксини компонентларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳолатда патогенлик хусусиятига эга эмас. Уларнинг токсик таъсири фақат бир-бири билан бирга бўлган (комбинациялашган) ҳолда кузатилади [23, 27].

Куйдирги эпидемиологияси учун *B.anthraxis* нинг яна бир муҳим хусусияти-бу *Bacillus* тури вакилига мансуб, ушбу патогенга хос бўлган атроф-муҳит таъсирига ўта чидамли эндоспора ҳосил қила олиш қобилиятидир [13, 15].

Табиий шароитда *B.anthraxis* нинг ҳаётий цикли қўйидагича бўлади. Макроорганизм ичига кириб боргандан кейин спора шаклидан вегетив хужайралар пайдо бўлади ва улар кириш жойида ёки яқин лимфа тугунларида ҳамда тўқималарида ўсади ва кўпаяди. Кейин агар касаллик навбатдаги босқичга ўтса микроорганизмлар лимфоген йўл билан тарқалади

ва геморрагик-некротик шикастланишлар, токсинемия ва сепсис чақиради ва пировард натижада ўлимга олиб келиши мумкин. Бундан кейин хўжайин мурдасида қолган микроорганизмлар вегетатив шакллари унинг мурдани чиритувчи микроорганизмлар чиритиши натижасида ўлади. Аммо уларнинг бир қисми касалликнинг охирги босқичларида ва ўлимдан сўнг дастлабки вақтларда танадан ажралиб чиқадиган қонли ажралмалар билан ташқи муҳитга, биринчи навбатда, тупроққа тушади. Шунингдек чақирувчининг вегетатив шакли куйдирги юқишига чидамли, мурдаларни ейдиган ҳайвонлар орқали ҳам тушиши мумкин. Тупроққа тушган *B.anthraxis* хужайралари бир қисми спорага айланади ва шундай қилиб патогеннинг ҳаётӣ ҳалқаси (цикли) тугайди. Янги ҳосил бўлган споралар юқишнинг янги ҳалқасини (циклини) чақиритиши мумкин. Бунда улар ўзининг ҳаётӣ қобилятини ва муҳими вирулентлигини ўн йиллар ва юз йиллар давомида сақлаб қолади. Бу вақтлар давомида куйдиргидан ўлган ҳайвонларни кўмилган жойлари куйдирги бўйича эпидемиологик хавфни сақлаб қолади, яъни касалликнинг янги тарқалиши учун манба бўлиши мумкин [16, 31].

Антропоген экотизимларда куйдирги эпидемиологияси анча мураккаб ҳисобланади. Биринчидан касалликнинг алиментар юқиш хавфи кескин юқори, чунки замонавий технологик жараёнлар ва логистик омиллар туфайли битта касалланган жонивор жуда катта ҳудудларда тарқалган кўп сонли ҳайвонлар ёки одамлар учун учун касалик манбаи бўлиб қолиши мумкин. Иккинчидан юқумли касалликнинг бошқа – тери ва ингаляцион (аэроген юқишда) клиник шакллари катта аҳамиятга эга бўлади, қайсиқим мос равишда касаллик юққан ҳайвон билан бевосита мулоқотда бўлиш ёки контаминация (мулоқотда) бўлган ҳайвон маҳсулотларини қайта ишлаш, ҳамда, *B.anthraxis* спораларини тутувчи материалларини аэрозолга айланиши ва бундай аэрозоллардан нафас олишда пайдо бўладиган ўтиш йўли. Шунингдек *B.anthraxis* спорасини биологик қурол сифатида қўлланилганда асосий ўтиш йўллари мулоқот ва аэроген бўлади.

Куйдирги чақирувчисининг турли хужайра шакллари билан одамларга касалликнинг юқиши масаласида мутахассислар фикри фарқ қилади. Яъни баъзи бир муаллифларнинг фикрига кўра *B.anthraxis* нинг вегетатив шакллари бирламчи физиологик тўсиқларни енгиб ўтолмайди ва касаллик чақира олмайди. Лекин шу миқдордаги куйдирги чақирувчисининг спорали шакли одам организмга тушиши касалланишга

олиб келади [18, 51]. Бошқа маълумотларга кўра куйдирги таёқчаларининг вегетатив шакллари вирулентлиги спора шаклига нисбатан пастроқ эмаслиги таъкидланади [47].


Куйдирги касаллигининг яширин (инкубацион) даври, ҳамда юқиш дозаси чақирувчисининг юқиш йўли ва одам организмнинг иммун тизим ҳолатига боғлиқ бўлади [37]. Алиментар юқса касаллик яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача бўлиши мумкин, мулоқот ва трансмиссив йўлида эса бир неча соатдан 19 кунгача, аэроген юқиш йулида эса бир неча соатдан 6 ҳафтагача бўлиши мумкинлигини ҳақида хабар беришади [46].

Куйдирги чақирувчисининг одам ёки ҳайвон организмга тушганида “микро-макроорганизм” деб аталувчи мураккаб жараён юзага келади [43]. Куйдирги касалигининг ҳар қандай юқиш йўлида ҳам бирламчи жараён маҳаллий лимфа тизими тузилмаларида юз беради.

Куйдирги спораларининг лимфа оқимига тушишининг энг ишончли механизми бўлиб алиментар, трансмиссив ва мулоқот йўлларида чақирувчининг лимфа томирларига бевосита кириб бориши, аэроген йўлида эса интерстициал макрофаглар билан кўчирилиши ҳисобланади [9]. Лимфа оқимда ёки ундан ҳам аввалроқ спораларни макрофаглар фагоцитоз қилади яъни макроорганизм ҳужайра иммунитетини ишга тушириб организм учун ёт бўлган агентнинг киришига реакция кўрсатади. Аммо тадқиқотчилар таъкидлашича макрофаглар *B.anthraxis* спораларини парчалай олмайди [18]. Яна ҳам муҳими фаголизосомалар томонидан ишлаб чиқариладиган бактерицид агент (омил)-надпероксид ион O_2 нафақат спораларни ўлдирмайди балки уларни ривожланишини стимуляция қилади [1]. Куйдирги спорасидан вегетатив шакли чиқиши бошлангандан тахминан 15-20 дақиқадан кейин ПА ни кодловчи и-РНК синтезланади. Бир соатдан кейин эса антигенни ўзи фаол равишда секреция қилиб бошланади [12]. Йўл-йўлакай (паралел), микроорганизм кўпаяётган макрофаг ҳужайраси ўлдирилиб куйдирги таёқчасининг етилган вегетатив ҳужайраси лимфа оқимга тушишига олиб келадиган ЛО ва ШО синтези, ҳамда ажратилиши юз беради.

Лимфооқимда чақирувчи ўзини макрофагдан химоя қилувчи капсуласини синтезлайди. Капсула эса цитоплазматик мембраналарга ёпишиб (фиксацияланиб) ўз-ўзидан макроорганизм ҳужайраларининг алмашинув жараёнларини бузилиши, деградацияси ва ўлимига олиб келади [51]. *B.anthraxis* нинг макроорганизм ҳужайраларига кириб уларнинг ўлимига олиб келадиган асосий патоген омили бўлиб тўхтовсиз

ишлаб чиқарадиган экзотоксини ҳисобланади. Бунда клиник жиҳатдан мос равишда летал ҳамда шиш токсинлари таъсири натижасида деб баҳоланадиган туқималарнинг некротик шикастланишлари ва шишишлари кузатилади [23, 54].



2-расм. Куйдирги токсинининг таъсир схемаси

Юқорида таъкидлаганимиздек натив протектив антигеннинг (ПА) (молекуляр оғирлиги мос равишда ПА83 деб белгиланадиган) 4 та функционал домени ажратилади. Домен 1 ўз навбатида икки субдоменлардан ташкил топган: 1а биологик фаол, ҳимоя вазифасини бажарувчи экранловчи (ПА20) ва 1б ЛФ ва/ёки ШФ ларни боғловчи. 2 ва 3 доменларининг функцияси ҳозирги вақтда тўлиқ аниқланмаган;

антигеннинг бу қисмлари тахминларга кўра ПА гептамерларини шаклланишини таъминлайди ((ПА63)7). Рецепторбоғловчи домен 4 эса ПАни эукариот хужайра юзасида боғланишини таъминлайди [38].

Куйдирги токсини таъсир механизмини схематик тарзда кўйидагича тақдим қилиш мумкин (2-расм). ПА83 эукариот хужайраларининг мембраналарининг юқори аффин рецепторлари билан боғланади (1-босқич) [7].

ATR икки хил тури борлиги маълум: биринчи типдаги мембрана протеазаси TEM8 ва капилляр морфогенез оқсили CMG2 [28] TEM8 бронхлар эпителийси ва эпидерма кератиноцитлари ҳамда ингичка ичак эпителиал хужайралари юзасида, яъни куйдирги микробининг организмга кирадиган жойларида кўп тарқалганлиги аниқланган [4]. Нишон хужайраларнинг кальцийга боғлиқ фурин протеаза мембранаси бирлашган ПА83 дан субдомен 1a ажралади (2-босқич) [10]. Шундай қилиб фаоллашган кўшни хужайра рецептор билан боғланган етти ПА(ПА63) молекулалари гептаметрик ёриқ (препора) шакллантиради (3-босқич) [21]. Бундан кейин субдомен 1бга ШО ва/ёки ЛО кўшилади (4-босқич) [34]. Эукариотик хужайра юзасида йиғилган куйдирги токсини тезгина фагоцитоз билан қамраб олинади (5-босқич) ва эндосома мембранасининг ички юзасини эгаллаб олади (6-босқич) [17]. Эндосома ичидагилар эндосомал протеазаларни фаоллаштириш учун кислоталиги ошади, яъни хужайра тўқимада пайдо бўлган токсинни оддий ҳалок бўлиш циклини амалга оширади (6-босқич) [20]. Аммо бу ҳолат куйдирги патогенезининг бундан кейинги ривожланишига олиб келади, чунки рНнинг паст кўрсаткичларида препора хужайра мембранасига ўрнашиб олиб катионга боғлиқ каналга (тешикка) айланади (7-босқич), ЛО ва ёки ШО цитоплазмага киради [2].

Муаллифларнинг таъкидлашича ЛО ва ШО бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда хужайра ичига киради (транслокация) [34]. ЛОнинг кириши кўйидагича амалга ошади. NH₂ молекуласининг тугаш қисми канал рецептори билан боғланиб кўп бўлмаган мусбат потенциал ҳосил қилади (20мВ) ва мембрана канали орқали юқори мусбат зонасига киради. Ўтиш жараёни бир неча секунд давомида амалга ошади. Бунда ЛО бир томондан ёйилади иккинчи томондан букилади ва S симон шаклга айланади. Шундай қилиб оқсилнинг хужайра ичига ўтишида хужайра механизмлари аҳамиятга эга эмас. Жараён ёки электрофоретик самара натижасида (потенциаллар фарқига кўра) ёки молекулаларнинг ёйилиш ва

букилиш энергияси ҳисобига юз беради. Аналогик йўналишда каналга киришдан олдин ёйилиб, чиққандан кейин эса букилиб NH_2 дан цитозолнинг COOH -охирига ШО кириб боради [35]. Летал омил – бу рух тутувчи эндопротеаза митоген фаоллаштирувчи протеинкиназанинг NH_2 фрагментларини ажратади. Булар нормада ҳамма турдаги ҳужайраларда пролиферация ва яллиғланишга қарши жараёнлар учун маъсул ҳисобланади [2]. Ажралган проинкиназа субстрат билан боғлана олмаганлиги учун ўзининг ферментатив фаоллигини йўқотади [11]. Митоген фаоллаштирувчи йўлининг бузилганлиги учун юрак қон-томир тизимининг эндотелиал ҳужайралари ҳалок бўлади [37]. Летал омил макрофаглар ва дендрит ҳужайраларга таъсир қилиб ИЛ-8 ва ИЛ-10ларнинг синтезини тўхтатиб қўяди ва цитокин ИЛ-1 β секрециясини ва тимус лимфоцитларининг қайта ҳосил бўлишини бузилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида иммун жавобга салбий таъсир кўрсатади [61]. Бундан ташқари прогестерон, эстероген, глюкокортикоидлар таъсирини блоклайди [23]. ЛО токсиннинг куйдирги юқумли касаллигининг ўлим билан тугашига бевосита жавобгар бўлган ягона компоненти ҳисобланади [46].

Шиш омили – бу калций ва калмодулинга боғлиқ аденилциклаза бўлиб цАМФ нинг ҳужайра ичи концентрациясини АТФ миқдорини кескин камайиши ҳисобига кўп марта оширувчидир. Куйдирги чақирувчиси цАМФдан фагоцитларнинг кўпгина мўътадил функцияларини пасайтириш учун фойдаланади ва бу ҳўжайин организмида унинг узок яшаб қолиши учун имкон беради [23].

V.anthraxis фаол бўлмаган ШО ни ишлаб чиқаради ва бу омил бактерияларда йўқ бўлган эукариот ҳужайраларнинг ички оксили калмодулин билан учрашганда фаоллашади. ШО нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ингибиция қилади, ИЛ-12 синтезини камайтиради ва кўпгина турдаги ҳужайраларга уларни сувсизлантириш ҳамда энергия манбаини чиқариб юбориш ҳисобига токсик самара номоён қилади [32, 51].

Куйдирги касаллигининг патогенези бўйича баён қилинган адабиётлар маълумотлари асосида қўйидагиларни таъкидлаш мумкин: Куйдирги патогенезининг ҳар бир босқичи *V.anthraxis* нинг жуда юқори адаптив (мослашиш) қобилиятини номоён қилади. Бунда микроб макроорганизм иммун тизими кўпгина элементларини (токсин ва спораларни макрофаглар томонидан фагоцитоз қилиниши, надпероксид-ионнинг фаголизосамалар томонидан ишлаб чиқарилиши, эндосомалар

ички муҳитининг кислоталаниши в.х.к.) юқумли касаллик ривожланиши учун фойдаланади ва бу касалликнинг хавфли эканлигидан хабар беради.

Юқумли касалликнинг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб организмга тушадиган чақирувчисининг шакли ҳисобланади (спора ёки вегетатив шакли). Организмга кирган споралар бироз вақт ўзини инерт танага ўхшаб тутади яъни адгезия қобилятига эга бўлмайди, шундан кейин улар макрофаглар томонидан ушлаб олиниб яқин жойлашган регионар лимфа тугунларига олиб борилади ва бу жойларда юққандан кейин 4-5-соатларда аниқланади. Бундан кейин кириш дарвозалари олдида ҳам регионар лимфа тугунларида ҳам спораларнинг вегетатив ҳужайраларга ўтиш жараёни бошланади. Макрофагларда вегетатив ҳужайралар бўлиниши сабабли тезгина фагоцитлардан чиқади ва лимфа тизимида кўпаяди. Капсула вегетатив ҳужайраларнинг фагоцитозига тўсқинлик қилади. Чақирувчининг кириш дарвозалари ва регионар лимфа тугунларида кўпайиши ва улар томонида экзотоксин ишлаб чиқарилиши томирлар ўтказувчанлигининг, ҳамда микроциркуляциянинг бузилишларига, маҳаллий сероз-геморрагик шишга, яллиғланишга ва кириш дарвозаларида сезгирликнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Касалликнинг энг кўп учрайдиган тери шаклида терининг чуқур қаватларида жигар ранг пигментли (гемосидерин) геморрагик-некротик яллиғланиш ўчоғи ҳосил бўлади. Алиментар юқиш йўлида эса *B.anthraxis* ошқозон-ичак трактининг барча қисмларида кириши мумкин, аксарият ҳолларда микробни кириши ингичка ичакда амалга ошади. Бунда зарур шарт бўлиб ичаклар шиллик қаватларида микрошикастланишлар бўлиши ҳисобланади [45].

Аэроген юқиш механизмида чақирувчи споралари алвеоляр макрофаглари томонидан ушлаб олиниб уларни трахеобронхиал ва медиастинал лимфа тугунларига олиб борилади ва бу жойларда 1-3 кун давомида ўсиб чиқиб уларнинг тўсиқ (барьер) функциясини бузиб қон оқимига тушади. Экзотоксин ишлаб чиқариш натижасида шиш ҳамда некротик ўзгаришлар, геморрагик плеврит ва медиастинит ривожланади. Кейинчалик ўлим ҳолатига олиб келадиган иккиламчи зотилжам пайдо бўлади. Куйдиргининг ҳамма юқиш йўлларида жараённинг тарқалиб кетиши бўлса бирламчи ёки иккиламчи куйдирги сепсиси ривожланиши мумкин. Турли аъзо ва тўқималарда ўткир сероз-геморрагик, геморрагик, кам ҳолларда фибриноз-геморрагик яллиғланишли септик ўчоғлар шаклланиши хос бўлиб талоқ ва лимфа тугунларидаги лимфоид

тўқималарнинг макрофаглар ва чақирувчининг тугалланмаган фагоцитози билан алмашинуви кузатилади. Кучайиб борувчи токсинемия кўп миқдорда яллиғланиш цитокинларини-даставвал шиш некроз омили (фактор некроз опухоли-ФНО), Интерлейкин-1(ИЛ-1) ва бошқалар синтезига ва томирлар ўтказувчанлиги ошишига аъзо ва тўқималарда геморрагик аломатлар, шиш ва гемостаз ривожланишига олиб келади. Пировард натижада буларнинг ҳаммаси ИТШ, томир ичи тарқалган ивиш синдроми (синдром диссеминированного внутрисосудистого свертывания (ДВС-синдром) ривожланишига ва беморнинг ўлимига олиб келиши мумкин [45, 51].

Шундай қилиб, куйдирги касаллиги патогенезида энг катта омил *B.anthraxis* экзотоксинига тегишли бўлиб, касалликнинг септик кечиши бирламчи тарқалиш (генерализация) натижасида ҳам, ёки маҳаллий шаклининг асорати сифатида ривожланган иккиламчи тарқалиш (генерализация) ҳисобига пайдо бўлиши мумкин (МАРКК (*Mitogen-activated protein kinase kinase*) мутаген-активированный белок киназы-киназы TNF-фактор некроз опухолей; IL- интерлекин) [13].

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК МАНЗАРАСИ

Ўрганилган адабиётлар таҳлили ҳозирги вақтда куйдирги юқумли касаллигининг патоморфологияси ва клиник шакллари ҳақида ягона фикр йўқлигини кўрсатади. Кўпчилик муаллифлар куйдирги касаллиги одамларда уч хил клиник шакллардан бирида намоён бўлишини таъкидлашади: тери, ўпка ва ошқозон-ичак шакли. Бунда ушбу касаллик шакллариининг ҳар қайсиси септицемия ва менингит асоратини бериши мумкинлигига кўрсатишади [36, 40, 42, 49, 50, 53, 60, 62, 63]. Баъзи муаллифлар куйдиргининг тўртта клиник шакллариини ажратишади – тери, ўпка, ичак ва септик [39, 55, 56]. Яна бошқа муаллифлар эса ҳар бири септицемия билан асоратланиши мумкин бўлган фақат тери ва ўпка шакллари мавжудлигини тасдиқлашади [33]. В.И.Покровский ва К.В.Лобан таҳририяти остида нашр қилинган юқумли касалликлар бўйича қўлланмада куйдиргининг бир жойда жойлашган (локализованная) ва тарқалган шакллариини ажратишни таклиф қилишади ва бунда бир жойда жойлашган (локализованная) шакли ўз навбатида тери ва висцерал шаклларига ажратилган [57].

Куйдирги касаллигининг яширин (инкубацион) даври инфекциянинг ўтиш йўли, чақирувчининг юққан дозаси боғлиқ бўлиб бир неча соатдан 14 кунгачани ташкил қилиш мумкин (кўпроқ 2-3 кун). Вегетатив шакллари

